

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 27 (6976 - 6977)  
1999 йил 19 август

Сотувда эркин нархда

## Обуна - узлуксиз жараён Синфимиз 10 та Мактабимиз 100 дона...

Ассалому алайкум, севимли газетам. Мен синфдошларим билан бирга, ҳар бир сонингни севиб ўқиши ми. Тўғарагимиз яъзолари билан янги сонингни келишини нитизорлик билан кутамиш. Айниқса, «Қулогингта гапим бор». «Бир бор экан...» «Хатлар тегирмони» номли саҳифаларинги жуда ёқтираман. Шунга ўхаш қизиқ саҳифаларни яна кўпайтиришингни илтимос қиласман. Сен биз, ёш авлодларнинг севимли газетамига айланиб қолдинг. Бу йил сенинг 70 ёшиниг. Муборак бўлсин. Момом ҳам, отам-онаму, мен ҳам ўқийдиган сирдошим, маслаҳатгўйим, қадрдоним! Сен эса мухлисларинги согинтирмай, ўз вақтида бизни йўқлаб келиб тур. Сирлашамиз сен билан, бир- биримиз билан ўртоқлашиб тенгдош дўстлар ортирамиз. Ҳуллас, сенинг ўрнинг катта. Бу йил сенга яна обуна бўлдимиш. Синфимиз ўн дона, мактабимиз юз дона обуна бўлади.

Шаҳноза АРЗИЕВА,  
Андижон вилояти, 42-ўрта мактабининг  
7- «Д» синф ўқувчisi.



### Атлас кўйлакли қиз

Кўчада атлас кўйлак кийган, сочини майдада ўрган қизни кўрсатиб дугонам «Ану қишлоқини қара. Атлас «мода»дан қолган-ку. Сочини ҳам узун қилиб майдада ўрибди», деди. Ҳар ким ҳар хил фикрлар экан-да. Мен шим кийиб, сочимни калта кесганимдан ўша қизга ҳавас қилиб қараб тургандим.

Атлас кўйлакли қиз, биламан, сен бизнинг суҳбатимизни ёшишиб қолдинг. Тез-тез қадам ташлаб кўзимиздан йўқолдинг... Ҳафа бўлдинг, ёхтимол. Бизни мазах қилдинг, ёхтимол. Мазах қилсанг арзиди. Биз сен каби сочимизни майдада ўролмаймиз. Чунки, калта қилиб қирқтириб олганмиз-да. Афсус. Бўйи етолмаган тулки узумни хом экан деганидек, дугонам ҳам аслида сенга ички ҳавас, ҳасад, туганмас изтироб билан ўша гапни айтди-да!

Мен атлас кийиб кўчага чиқаман. Соchlаримни ўстираман. Мени кўрганлар ана ўзбек қизи келаяти десинлар!

Зулфизар ЗОКИРОВА,  
Тошкент шаҳар, Сирғали тумани,  
10-синф ўқувчisi.

### СЕНИНГ МУХЛИСИНГМАН

Ҳа, сенинг муҳлисингман азиз газетам. Саҳифаларинги жони лили билан ўқиётган қизинг, мен ҳам сенда чиқини жуда-жуда орзу қиласман. Ёзганларимни муносиб кўрсанг, кўзларим қаманиб, юрагим дук-дук уриб сени қўлга олган бўлардим.

### ЮРТБОШИМИЗ

Юртбошимиз меҳрибон,  
Тиним билмай елар у.  
Бузун Ҳитойга борса,  
Эртан Римдан келар у.  
Дўстлик йўлни қўриб,  
Эмин-эркин юрсам дер.  
Юртдошларим шод кўриб.  
Тўйларида турсам дер.



Муаттар ХАЙТОВА,  
Фарғона вилояти,  
Бешарик тумани,  
26-ўрта мактаб ўқувчisi.

### ТАБТИЛ КУНЛАРИДА



- Бизлар телевизорда  
Концерт берар эканмиз.  
Шеър ёдлайди Озода,  
«Лазги»га ўйнап Рамз.

ИРОДА

Ироданинг номини бугунги кунда нафақат ҳамма ўзбекистонликлар, балки бутун дунё спорт севарлари ҳам ёнишиб ҳавас қиласди. Чунки у 16 ёшида Туркия, Арабистон, Корея, Англияда ўзбек қизлари номидан майдонга тушиб, юртдошларнинг ишончини оқлади. Ирада 9 ёшиданоқ спортчилар оиласида туғилганиданми, теннисга бўлган маҳоратини намойиш қила бошлади. Пойтахтимизда курилган теннис кортларининг юлдузига айланди. Эндиликда эса Ироданинг ютуқлари боис юртимиз Гимни нуфузли мамлакатларда янграб, унинг шаънгига Ватанимиз байроғи ҳисобланади. Нақадар ҳаражонли, гуруранса призидиган лаҳзаларда! Айниқса, Англиядаги

Ўи беш бола бўлсан ҳам,  
Богча опам дер, каммиз.  
Қизиқ, телевизорга  
Қандай сиғар эканмиз?

Уимблдон турнирида қўлга киритилган биринчилик гувоҳларнинг ҳавасини ошириди. Ахир, тенгдошингиз сизнинг ёшинизда жаҳон кезса, олқишилар олса, ўзбек фарзандларига ҳавасланмай бўладими? Юртбошимиз табриги кўнглимни тоғдек кўтарди. «Тоғ юрак - соғ юрак эканлигини намойиш қилиб, ўз устимда тинимсиз ишлашим кераклигини ва бу меҳр ҳамда гурурларни қалбимга туйган ҳолда юртимиз байроғини осмонлардан туширмаслигим кераклигини дилдан ҳис қилдим» - дейди Ирада. Биз сенинг ироданита ишонамиз, Ирада. Ниятинга ет, ҳозир американда экансан биз хуш хабар қутмиз.

### ЭНДИ МАНҚУРТ ЭМАСМИЗ

Салом «Тонг юлдузи»!  
Мустақиллик байрамига саноқли қуналар қолди.  
Саккиз йил ичидан саккиз ёшга улғайдим. Саккизинчи синф ўқувчисиман. Ҳар йили бу байрамни қувониб қаршилайман. Йил ўтган сарп мамлакатимиз обод, одамларимиз шод бўлмоқдалар. Чунки, озодлик, эрк кимга ёқмайди!

Тарихимиз биламиш,  
Чин ўзбекмиз дей биз.  
Юракларда қотмас муз,  
Энди манқурт эмасмиз.  
Келажакка тик боқиб,  
Дилни орзуда ёқиб.  
Ҳурлик сойида оқиб,  
Асло манқурт эмасмиз.  
Холид АКБАРОВА,  
Сирдарё вилояти,  
Мехнатобод тумани,  
1-мактаб.



### БИЗ ОСМОН СЎРАГАНИМИЗ ЙЎҚ

Салом «Тонг юлдузи»! Ҳаётимизга кирган ўзинг. Ҳа, ҳайрон бўлма, сен билан 10 йил мобайнила сирдоши бўлиб келдик. Боёвут туманидаги мактаб битирувчилари, жатми 19 нафар йигит-қизлар сенга умид билан мактуб йўлламоқдамиш. Чунки, бир вақтлар ўзининг хат ёзганимиздан кейин мактабимиз томи ёпилиб қолганди. Энди эса ўша чала биттан кичкина мактабимиз таъмир талаб... Ўзи кичкина, лекин таълим-тарбияси кучли қадрдан гўшамиздан билимдон бўлиб учиб кетаямиз-у, барибир кеттимиз йўқ. Ҳозирданоқ келишиб олганмиз. Саккиз нафаримиз худди шу мактабга ўқитувчи бўлиб келамиш. Катта бинолар кўз олдимизда битаянти. Ниҳоллар дараҳт бўляяни. Аммо ҳайронмиз, ҳамон мактабимиз чала, ишлари ўлда-жўлда... Қадрдан «Тонг юлдузи»! Уч йил аввал сенга ёзилган хат қалбимизга шуъла солганди. Ўша анъанани давом эттириб яна мурожаат қилияпмиз. Болалар газетасида бизни танқид қилишиби деб, зора ҳаракатта тушиб қолишиш-у, қадрдан мактабимиз ёшарип, гўзаллашиб билим бермоқ учун болаларни барага чорласа. Ахир, биз осмон сўраганимиз йўқ-ку!

(Айттандай биз мактабни битириб кетсак-да, «Тонг юлдузи»нинг ҳамишалик ўқувчиси бўлиб қоламиш. Бу йил тўлиқ обуна бўламиш.

Сирдарё вилояти,

Боёвут тумани, 44-мактаб ўқувчилари.

# САЛОМНОМА

Ассалому алаикум азиз муҳбир ака-опалар. Мен яқинда ўн уч ёшга кирдим. Қишилогимнинг гўзал табиати, қўшиқ айтиб оқаётган сой ва ариқлари, бол тутган ўрискор ва шафтологлари менга илҳом берид, шеърият чаманига бошлаганига эса анча бўлди. Қалбим ҳаяжонларини мисраларга сингдиришга ҳаракат қиласяпман. Ва сизларга қалбим ардоғларини ўллаляпман. Ахир, газета саҳифаларида нуқул тенгдошларимнинг шеърлари чиқаяти-ку... Менини ҳам зора чиқса. Сизларга умид билан мактуб ўйловчи фарғоналиқ қизингиз, Умидайим.

## ЁЗ БЎЙИ

Ёз бўйи боғ-роғлар бизни чорлади,  
Ёз бўйи қўшиқлар кўйладик қанча.  
Фароийб эртаклар дилни овлади.  
«Гербарий»лар ҳам тўплаб қўйибмиз анча.

Ҳадемай оташ ёз қолади ортда,  
Оташин орзулар эса чеки йўқ.  
Бу шодон болалик, гуллик, лолалик.  
Бир умр юракка қалаб борар чўй.

Умидо УЗОҚОВА,  
Фарғона вилояти, Бешарқ тумани,  
Рапқон қишлоғи, 26-мактаб.

## MILITSIONER BO\*LMOQCHIMAN

Salom, mening sevimli gazetam. Men seni har bir soningni qoldirmay, o\*qib boraman. Tengdoshlarim ijodi bilan tanishtirayotganing uchun avvalo senga rahmat. Men bu yil 4-sinfni a\*lo baholarga bitirdim. O\*qituvchimiz Yulduzxon Ahmedova bizga tinchlik himoyasida bo\*Igan militsiyalar haqida ko\*p gapirib beradilar. Men xalqimiz tinchligi uchun jonini tikishga tayyor bo\*Igan militsioner akalarimga juda havas qilaman. Maktabni a\*lo baholarga bitirib, albatta militsioner bo\*laman.

Umidjon NAZAROV,  
Buwayda tumanidagi  
Amir Temur nomidagi 3-o\*rta maktab.

## МАДХИЯ КАНДАЙ ҚЎШИК?

Метрода кетаётган эдим. Вагондаги қизларнинг сұхбати ўз-ўзидан қулоғимга қалина бошлади. Улар эстрада гуруҳлари ҳақида сўзлашишар эди. Қайси гуруҳ зўрлиги ҳақида баҳе бошланди. Баланд бўйли бир қиз «Болалар» зўр деса, яна бири «Эй, «Аср»га ҳеч қайсиси етмайди», - дейди. Шунда кўримсизгина, гўё улар орасига тасодифан кириб қолгандек ажralиб турган қиз «Энг зўр қўшиқ мадҳиямиз, ҳар куни қўшиқ билан дарсимиш бошланади-ку, мен ҳозир уйда ҳам шуни айтиб юраман», - деди. Қизлар лабини бурди. Чидолмай «Тўғри-да, мадҳия ҳаммамизники, бу қўшиқ - Ўзбекистон фаҳри», - дегандим, улар «Ана, яна битта патриот», - деб кулиши. Кўзимдан ёш чиқиб кетди.

Дўстларим, қачонгача юргутупроғида яшаб, унинг неъматларидан баҳраманд бўламизу, аммо баъзиларимиз унинг байроби, мадҳияси билан гуурлана олмаймиз. Ахир бу кунларга осонликча етмаганимиз-ку! Умуман, мадҳия қандай қўшиқ, уни турли гуруҳлар айтиётган ашуналар қаторига қўя оламиزم? Сиз нима дейсиз?

Азизахон ИЛҲОМОВА,  
Тошкент шаҳар,  
Юнусобод туманидаги  
302-мактаб.

## ЁШ МУХБИРГА ЭСПАТМА

Сен ўқишида, меҳнатда, интизомда ва жамоат ишида бошқа ўқувчиларга ўрнак бўлишинг керак.

Газетага мактаб за синфингдаги яхши ишларни, қизиқ воқеаларни турли тўғракларда хунар ўрганаётган ўртоқларинг тўғрисида, далаларда, чорва фермаларида ота-оналарига қўмаклашаётган тенгдошларинг ҳақида, ёш табиатшунослар, ўлкасевар саёҳатчилар, жонкуяр етакчилар, соғ юрак-тоғ юрак эканини англаб, спорт билан жилдий шугулланаётган тенгдошларинг ва уларнинг ишлари ҳақида ёзиб юбор.

Бир мақолада ҳамма нарсалар ҳақида ёзма, яхшиси, бир фактни олиб, уни мукаммал ёритишга ҳаракат қил.

Камчиликлардан кўз юмма. Улар ҳақида дарҳол хабар қил, лекин ёзишдан аввал. Унинг тўғрилигини текшир.

Ўз деворий газетаңгнинг актив муҳбири бўл.

Бизга хабар ёзганда сиёҳ билан равшан ва пухта ёз.

Хат ёзганда қайси мактабда, нечанчи синфда ўқишингни, сен аъзо бўлган тўғракарномини, исм-фамилиянгни тўла кўрсат.

Уй адресини ҳам аниқ ёз.

Мен - Темирова МУХЛИСА.

Шахрисабзданман. Мирзо Бедил номидаги мактабининг 5-”A” синфида ўқишиман. Оилада учинчи фарзанд, онамининг эрка қизиман. Бизнида билим олишига жуда катта эътибор берилади. Шунинг учун ҳам саккиз ёшимдан бошлаб шеър ёза бошлаганиман.

## ОНА

Она бунчалар гўзал,  
Она - улуғ саждагоҳ.  
Онамга битай газал.  
Пойингиз деб чаман-бог.



## ОТА

Кеч бўлганда келасиз,  
Тонг отганда кетасиз.  
Ўз ўрнингиз биласиз,  
Тиним билмай нетасиз?

Ўйлайсиз, нималарни,  
Ишни, бизни, оламни?  
Ишингиз ўнгдан келсин,  
Хеч кўрмайлик аламни.

Мухлиса ТЕМИРОВА,  
Кашқадарё вилояти,  
Шахрисабз шаҳри.




## УСТОЗЛАР БИЗ УЧУН ЎРНАК

1999- «Аёллар йили». Демак, аёлларимизни қадрлашимиз даркор. Бизнинг мактабимизда ҳам меҳрибон, оқила аёл муаллималар жуда кўп. Шулардан бири она тили муаллимамиз Манзура она Куллиева бўладилар. Улар ўқувчилар билан доимо яхши муомалада бўладилар. Манзура опанинг қизиқарли дарс ўтишлари, ўқувчиларга меҳрибонлиги бизга жуда ёқади.

У киши ўз билимлари билан Олот туманидаги «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» танловида иштирок этиб, биринчи ўринга сазовор бўлдилар. Ўқувчиларни. Олий ўқув юргита тайёрлашда жонбозлик кўрсатиб келмоқдалар. Халқ оғзаки ижоди намуналарни тўплаб, улардан ҳарсларда ҳам фойдаланадилар. Манзура она ўқувчилар билан синф хонасини ташкил қилиб, она тили ва адабиёти хонасини замонавий безатганлар. Ўзлари ҳам шеър ва мақолалар ёзиб турадилар. Манзура она Куллиевага бутун синфимиз номидан Аёллар йилида соғлик, хотиржамлик, ижолларига омадлар тилаймиз.

Хуршида ИБРАГИМОВА ва Юлдуз ОМОНОВА,  
Бухоро вилояти, Олот туманидаги  
22- ўрта мактабининг 10- синф ўқувчилари.



## МУҲАРИРГА МАКТУБ

Салом Умидга! Сизга бир неча марта хат йўлладим. Аммо, бирон марта ҳам ёзганларимни чиқармадингиз. Дадамлар «Умидга осанг телевизорда, газеталарда сизлар билан яхши гаплашади, аммо ҳамманинг хатини чиқарвемайди. Мазмунига, салмоғига қарайди», дейдилар. Ха деб хат ёзиб, сизни яхши кўрамиз, сизга соғлик-омонлик тилаб, холаҳвол сўрайвермай, бирор шеър ёз-да, жўнат. Мақола, ҳикоя, хандалар бўлса ҳам майли. Ахир, ҳамма муҳаррирлар ўзига йўлланган саломномаларни газетада чоп этаверса газета қуруқ ёзишмадан иборат бўлиб қолади-ку, дедилар. Мен эса барибир айтганимни қилиб яна сизга хат ёзашман. Илтимос, хатини чиқаринг. Дадамга бир мақтаний. Айтгандай, шеърга ўшайдими, «Онажон» деган бир нарса ёздим. Унинг нима эканлигини тенгдошларим менга ёзиб юборишин.

Тунлар алла айтдингиз,  
Болам ором олсин деб.  
Доим ниyat қилдингиз,  
Болам баҳтили бўлсин деб.

Эркалатиб ҳар сафар,  
Ширин сўзлар айтдингиз.  
Тантиқлашиб қолсан саъ,  
Урушаб койидингиз...  
(Давомини кейин ёзмани)

Сардорбек  
АМИНЖОНОВ,  
Тўракурғон тумани,  
Ертепа қишлоғи,  
42-мактаб,  
4-синф.

## ЎҚИШ, ЎРГАНИШ ДАВРИ

Шиплик даври ҳеч қаҷон қайтиб келмайди. Бу даврда ҳар ким ўз қадамини билиб босиши, кўп яхши нарсаларни ўқиб, ўрганини керак.

Баъзида ота-оналаримиз «Шўхлик қиласерсин, ҳали ёшда», - дейишади. Шу фикр тўғримикин? Менимча йўқ. Шўхликла ҳам шўхлик бор. Шўх бола деб, онасини ҳам сўқиб турса, катталарга бехурматлиқ қиласа, унинг оқибати нима билан туғайди?

Ўз фарзандларини шўх деб, ақлни, одобни, билим олишини ўргатмаган ота-оналар кейинчалик пушаймон бўлиб қолиши масин.

Ундан кўра, ўқишилари учун барча шароитлар яратиб берсинлар, ахир айтишиади-ку, ёшилкда олинтан билим-тошга ўйилган нақшидир, деб. Шундай экан, бекорчи ишлар билан шуғулланунча фақат ўқиб-ўрганийлик.

«Хозир тазтил-ку, ўқишини эса мактаб даврида ўқирмиз», - деган болалар ҳам топилиди. Йўқ, тазтил ҳам ўқиши, ўрганиш даври.

Биз олаётган билим ўзимиз учун керак. Ватанимизнинг гуллаб яшишни учун керак. Бу билими билан ҳеч ким тортиб ололмайди. Шунинг учун билим олайлик. Олганда ҳам пухта бўлсин.

Феруза  
ХОЛОВА, Тошкент вилояти,  
Паркент туманидаги  
29- мактабининг 7-”А” синф  
ўқувчиси

Истиклол ва мен

# МЕНИНГ ЮРТБОШИМ - МЕНИНГ ИШОНЧИМ!

**Инсон яралидиши, ҳурлика, озодликка интилиб яшайди.** Инсониятнинг бир қисми эзгулик учун курашса, яна бир қисми ёвузлик сари интилади. Ибтидоий жамоа тузуми даврида ёк жамиятда тош-у тарозу вужудга келди. Эзгулик энди юзага чиқаётган пайтда, ёвузлик албатта уни ийқитиши пайида бўлди. Шу боис инсоният минг ишлардирки, турли зиддият-у топташларга бардош бериб, ҳамон эзгулик сари интилоқда. Бугун биз мустақил, ҳур эканмиз, кўз очиб юмгандек тез ўтиб кетган саккиз ийл ичиде барча муҳим ўзгаришларга бошчилик қилган юртбошимизнинг мамлакат ҳаётининг энг долзарб соҳаларида тутган ўринлари ҳақида ўз мулоҳазаларимни баён қилишга жазм этдим.



## ДЕМОКРАТИЯ, МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК - НИМА ДЕГАНИ?

Бундан тўрт-беш йил аввал кўпчилик тенгдошларим сингари мен хам юкоридаги тушунчаларнинг асл мохиятининг нимадан иборат эканлигини тушунмас эдим. Одатда ҳар бир инсоннинг ўз кечинмалари бўлди ва улар асосида инсоннинг маънавий киёфаси белгиларади. Ҳар бир шахснинг маънавий оламини тўғри йўлга бошлаш эса, назаримда, жуда кийин иш, Президентимиз Ислом Каримов ана шундай масъулиятни ўз бўйнига олган экан, у бу вазифани ҳақиқатан хам адо этаётганиклигин гувохи бўламиз. Ўртбошимиз ҳалқимиз онига демократик тушунчасининг тўғри етказиб бериши йўйини тутдилар ва, менимча, бунда анча-мунча ютуқларга эришилар. Атоқли файласуф Андре Жид "Эркин фикрлаш имкониятига эга бўлиш учун энг аввало хатти-харакатларимиз оғир оқибатларга олиб келмаслиги кафолатига эга бўлмоқ лозим", - деб айтган эди.

Кўп инсонлар 90-йиллар бошларида "ҳалқа сўз ва фикр эркинлиги зарур" деб ҳайкириши. Бирок атоқли файласуф айтганидек, ҳеч нарса билан чегараланмаган сўз ва фикр ўз ҳалқи бошига ноўрин кулфатлар келтириши мумкинлигини улар тушунмадилар. Демократияни ислоҳ килиш хамон давом этмоқда. У шундайин нозик меҳнаттади эканки, буни биз ёшлар энди тушуниб етмоқдамиз. Назаримда, демократия - катта имконият, оғизга келган гапни гапириш, ҳаёлига келган ишни бажариш имконияти эмас, балки инсоннинг тарбияси, маданиятини кўриканда ўтказиш имконидир. Шу ўринда Фарб демократиясини Шарқка тарғиб килиш нотўғри, назаримда. Чунки Фарбда тўғридан-тўғри очиқлик, Шарқда эса уят, андиша бор. Биз фарблик тенгдошларимиз сингари миямизга келган фикрни ҳақ деб амалга оширишга киришмаймиз, кўнглига ёқмаган нарса, одам ҳакида бемалол, тап тортмасдан гапиришга, ота-онани сенсирашга зинхор ботиномаймиз. Йўқ, бу эркин фикрлашга тўсик эмас, бу - Шарқ, ўрта Осиё, бекиёс ва буюк маданият. Қўрқмасдан айтиа оламанки, бизда эркин фикр бор, агар бизда эркин фикр бўлмаганда Беруний, Хоразмий, Фарғоний, Ибн Синонлар буюк ва машҳур бўлолмас эдилар. Шарқ халқлари га хос хурмат, анъаналар Президентимиз олиб бораётган изчил сиёсатда ўзига хос ўринга эга. Бугун юртбошимиз ана шу анъана да содик колган холда миллӣ давлатчилигимизни ривожлантироқдалар. Менимча, ўз анъана ва қадриятларига амал киладиган

диётни ривожлантиришдек муҳим масалани илари сурар эканлар, тан олиш керакки, бу бир кун ёки бир йилда битадиган иш эмас. Бу - узок тайёргарликни талаб этадиган, кенг камровли, тарихий жараёндир.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ХАЁТ ТАРЗИ - ЎСИЩДА

Ислом Каримов бу соҳада энг аввало, оиласи ижтимоий жихатдан кўллаб-куватлашга ўтибор бердилар. Чунки хамма нарса оиласадан бошданади. Ижтимоий химояга муҳтож ҳар бир инсоннинг эхтиёжларини маълум маънода кондириш, уни химоялаш - бугунги куннинг долзарб масаласи. Мустакилликнинг илларида ёк жамиятни таҳдидиган чор-тадиблар туфайли юртимизда сезиларни даражада бўй кўрсатган ижтимоий зиддиятларни четлаб ўтишга имкон берди. Мустакиллик илларида юртбошимиз ўртага ташлаган кўйидаги масалаларни ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар давлат маблағлари билан бир катorda меҳнат жамоалари, ҳайрия ташкилотлари ва жамғарма маблағларини кенг жалб килиш, одамларнинг куч ва кобилиятларини тўла-тўқис фаоллашувини тъминлашга қодир бўлган механизми вужудга келтириш, ахолининг даромади ва турмуш даражасида асоссиз катта фарқларга йўл кўймаслик маълум маънода ўз учимини топаляти. Ногиронлар, ёғиз оналар, етим болалар, кексаларга кўрсатилаётган ўтибор, умр даражасининг узайиши, гўдаклар ўлимининг, жиноятчиликнинг камайиши, ишсизликнинг паст даражага тушиши бунинг ишботидир. Президентимизнинг ижтимоий сиёсатда оналик ва болаликка алоҳида ўтибор беришлари, ижтимоий мадад беришининг янги шаклини жорий килишлари ҳалқимиз томонидан хурсандчилик билан кутиб олинди. "Фуқароларга жуда кенг хукук ва эркинликлар берилган, таъбир жоиз бўлса, уларнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий хаётда фаол иштирок этиши рабатлантирилган тақдирдагина мамлакатимизни янгилаш ва таракки ўтишга эриша оламиз". Ҳа, Президентимизнинг бу сатрларида жон бор. Бугун ахоли тибиётнинг барча соҳаларида, коммунал майший хизмат кўрсатишида етарли рағбат олмоқда.

## ТАЪЛИМ ВА МАЪРИФАТ - ДАВЛАТ ЎТИБОРИДА

1999 йил 26 июн. Матбуотда "Хушёрликка давлат" сарлавҳаси остида Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари ўзлон килинди. Бу жавобларда бугун кўпчилик тенгдошларимиз, ота-оналаримизни кийнётган масала - таълим кўтаришларни жамоатчилигимиз томонидан кенг камровда ўтироф этилмоқда. Бугунги кунга келиб, юртимизда 60 та олий ўкув юрти, 2258 та маҳсус ўкув юрти мавжуд, шулардан 75 таси коллежларидир. Билим даражаси жихатидан Ўзбекистон ўқимишли мамлакатлар каторига киради. Шунга карамай, бугун талайгина камчиликлар мавжудdir. Миллий мағкура тушунчasi хозир хамма учун бирдек тушунлари эмаслиги аник. Президентимизнинг жавобларида ана шу нарса куюнчалик билан изоҳланади: "...Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанг садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараккиётни ва маданияти билан ҳамкадам бўлишига интилаётган юз минглаб ёшларимиз билан бир катorda ҳали шу даражага етмаган канчадан-канча фарзандларимиз борлигини ўласади, олдимизда накадар катта муммоловар борлигини яққол тасавур этаман".

Ҳа, бу масалада таълим соҳасида оксоклигимизни, кўпгина муммоловар айнан шу масалага тақалишини тан олишимиз зарур. Шу ўринда таълим-тарбия соҳасидаги Миллий дастурхонга хәётимизга (ёшлар хаётига) тадбиги жуда муҳим аҳамият касб этади. Олий таълим соҳасида амалга ошаётган ижодий ўзгаришларни ҳам тилга олиш лозим. Ёшларни жаҳон фанлари ва билимлари хазинасидан баҳраманд килиш максадида Ўзбекистон АКСЕЛС, АЙРЕКС, Америка Коллэжлари, Консорциуми, Тинчлик корпуси, Конрад Аденауэр фонди, Британия Кенгаши, Сауд Ал-Баитин фонди каби ташкилотлар билан аюла ўрнатган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иктидорли ёшларнинг чет элда ўқишиларни кўллаб-куватлаш "Умид" жамғармаси ҳар ийли ажратилган грант хисобига АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япониянинг энг нуфузли, обруй университетларида кўплаб мутахассисликлар бўйича ўқиш ва ба-

калавр ҳамда магистр даражаларини олиш имконини беради. Бугун кўпчилик тенгдошларимиз ўзларининг билимлари туфайли ана шу имкониятдан фойдаланишга мусассар бўлмокдалар. Ўртбошимиз бугун биз - ёшларга кенг йўл очиб бермокдалар. Ана шу йўлдан тўри, кокилмай кетиш эса бизнинг вазифамизга киради. Бу вазифани адо этишда албатта каталарнинг ўрни бекиёс бўлади. Аммо уларга таяниб кун кечириш, кутиб ўтириш менимча, яхши эмас. Бугун ҳар бир ўсмир, талаба ўз давлатининг миллий ғоялари учун ўзи курашмоги даркор. Шундагина биз - ёшлар, хаммамиз бирлашиб, Ўзбекистонни жаҳон саҳасига олиб чиқа биладиган ягона кучга айланамиз. Президентимизнинг жонкуяр дил сўзларидек, бизнинг пираворд максадимиз - инсон хукуклари ҳар томонлама химоя килинадиган маърифатли жамият куришдан иборат. Иншооллоҳ, биз бу максадга эришамиз. Чунки бутун маърифий дунё айнан шундай конунлар асосида яшайди ва таракки килади.

## МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН САҲИНА

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонни 165 та давлат расмий тан олган. Дунёдаги 120 дан ортик мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Тошкентда 35 давлат ўз элчихонасини очган. Бу бевосита хорижий мамлакатларнинг бизга билдириш ишончларининг далолатидир. Президентимиз кайси мамлакатда бўлмасин, кайси давлат раҳбарини кабул қилинсан, музокаралар давомида юксак сиёсий дипломатия, олий даражадаги маданият ўғрилган мумомала, катта билимдонлигидан ташкири, ўз муносабати-ю мулоҳазаларига сұхбатдошини ишонтира билиш кобилиятини кўрсата олади. Бу кобилият хаммага хам насиб этавермайдиган буюк неъматидир. Давлатимиз бошлиги Марказий Осиё интеграциясими ривожлантиришда катта ишларни амалга оширмоқда. "Туркестон - умумий ўйимиз" шиори остида Марказий Осиё давлатларини бирлашишга чорлаган Ислом Каримовнинг сиёсатидаги мінтақавий муммоловар, ўз мамлакатининг тақдирини, қўшини мамлакатлар тақдирни билан бирга ҳал этиш алоҳида ўрин тулади.

Давлатимиз раҳбари расмий ташриф билан жуда кўп давлатларда бўлдилар. Уларнинг Олмонияга кўйган ил кадамларидек "Мен Ўзбекистонни немисларга танитгани келдим" деб айтганлари, 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган маърузалари мазмунан бой ва чукур таҳлилий эканлиги жаҳон жамоатчилигининг диккатини торти. Ўзбекистон тез орада ўзининг доно раҳбари туфайли жаҳонда обрў топди. Иктисолид ишоҳотларни амалга оширишга, Ўзбекистоннинг жаҳон хамжамиятидаги интеграциялашувини таъминлашга ҳалқаро молиявий, иктисолид ташкилотлар - Ҳалқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Ҳалқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараккиёт банки катта ёрдам кўрсатмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЭКО, ЕХХТ, Жаҳон соғлиқи саклаш ташкилоти, Ҳалқаро меҳнат ташкилоти, НАТО, Европа Иттифоқи ва бўшка нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик килмоқда. Сўнгги илларда Европадаги кўпгина мамлакатлар - Буюк Британия, Германия, Бельгия, Грекия, Руминия, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари - Жанубий Корея, Малайзия, Хиндистон, Индонезия, Япония, Хитой билан мустаҳкам алоказалар ўрнатилмоқда. 1 юйдан эса расман Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган шериклик ва ҳамкорлик битими кирди.

\* \* \*

Мен шуни тушундимки, мустақиллик фақатгина мамлакатни тан олиши, ўзининг иктисолиди ва сиёсий мустақиллигидангина иборат эмас экан, мустақиллик энг аввало, маънавий барқамоллик ва етуклик, чин инсонийлик экан. Бугун мен фикрларимнинг ҳали сайқал топмаганини билди турсам ҳам, уларнинг бир қисмнинг кўнглигина қўлжарли. Сўнгги илларда Европадаги кўпгина мамлакатлар - Буюк Британия, Германия, Бельгия, Грекия, Руминия, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари - Жанубий Корея, Малайзия, Хиндистон, Индонезия, Япония, Хитой билан мустаҳкам алоказалар ўрнатилмоқда. 1 юйдан эса расман Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган шериклик ва ҳамкорлик битими кирди.

Сизга мустақиллик суратига тикилар эканман, шу мустақиллик иллари, шунингдек, ушиб ўйларнинг февраль воқеалари бу жонкуяр, фойдой инсоннинг ҳали гаҳида ўзининг иктисолиди таълимига оғизни очиб ўтиришга таъсислайдим. "Буюк келажак сари" китоблар мажмусасида иловада қўлингандар юртбошимиз суратига тикилар эканман, шу мустақиллик иллари, шунингдек, ушиб ўйларнинг февраль воқеалари бу жонкуяр, фойдой инсоннинг ҳали гаҳида ўзининг иктисолиди таълимига оғизни очиб ўтиришга таъсислайдим. "Буюк келажак сари" китоблар мажмусасида иловада қўлингандар юртбошимиз суратига тикилар эканман, шу мустақиллик иллари, шунингдек, ушиб ўйларнинг февраль воқеалари бу жонкуяр, фойдой инсоннинг ҳали гаҳида ўзининг иктисолиди таълимига оғизни очиб ўтиришга таъсислайдим. "Буюк келажак сари" китоблар мажмусасида иловада қўлингандар юртбошимиз суратига тикилар эканман, шу мустақиллик иллари, шунингдек, ушиб ўйларнинг февраль воқеалари бу жонкуяр, фойдой инсоннинг ҳали гаҳида ўзининг иктисолиди таълимига оғизни очиб ўтиришга таъсислайдим. "Буюк келажак сари" китоблар мажмусасида иловада қўлингандар юртбошимиз суратига тикилар эканман, шу мустақиллик иллари, шунингдек, ушиб ўйларнинг февраль воқеалари бу жонкуяр, фойдой инсоннинг ҳали гаҳида ўзининг иктисолиди таълимига оғизни очиб ўтиришга таъсислайдим. "Буюк келажак сари" китоблар мажмусасида иловада қўлингандар юртбошимиз суратига тикилар эканман, шу мустақиллик иллари, шунингдек, ушиб ўйларнинг февраль воқеалари бу жонкуяр, фойдой инсоннинг ҳали гаҳида ўзининг иктисолиди таълимига оғизни очиб ўтиришга таъсислайдим. "Буюк келажак сари" китоблар мажмусасида иловада қўлингандар юртбошимиз суратига тикилар эканман, шу мустақиллик иллари, шунингдек, ушиб ўйларнинг февраль воқеалари бу жонкуяр, фойдой инсоннинг ҳали гаҳида ўзининг иктисолиди таълимига оғизни очиб ўтиришга таъсислайдим. "Буюк келажак сари" китоблар мажмусасида иловада қўлингандар юртбошимиз суратига тикилар эканман, шу мустақиллик иллари, шунингдек, ушиб ўйларнинг февраль воқеалари бу жонкуяр, фойдой инсоннинг ҳали гаҳида ўзининг иктисолиди таълимига оғизни очиб ўтиришга таъсислайдим. "Буюк келажак сари" китоблар мажмусасида иловада қўлингандар юрт

Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг 8 йиллигига

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ



турк давлатининг ўз давлат рамзи бўлган. У "тамға" деб аталган. Бундан 2 ярим минг йил аввал ҳукм сурган бу давлатни Ўгузхон бошқаргани маълум. Ўгузхон давлатининг "тамға"си худди Германиянинг "хербо"си (герб) билан бир хил маънони англатган, вазифалари ҳам бир хил бўлган.

Ўзбек давлатчилигининг Мирзо Улуғбек хукмронлиги даврида ҳатто маҳсус "тамға солиги" бўлган. Чет эллардан келаётган савдогарлар ватанимиз худудига кираётиб "тамға солиги" тўлашган. Ҳозирги Европа-ча "таможня" сўзи ҳам бизнинг ўша "тамға божи" иборамидан пайдо бўлмаганмикан?

Ўзбекистон мустақиллигининг илк давридаёқ (1992 йил 2 июль) ўз давлат Гербини таъсис этди.

Юракка яқин миллий ифтихоримиз - давлат Гербига бугун яна бир боир яхшилаб тикилмоқ, унга сажда қилмоқ ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Хар бир давлатнинг ўз Байроғи, ўз Герби, ўз Мадхияси бўлади. Кўпчилик бу давлат рамзлари илфор Европада пайдо бўлган деб ўйлайди. Аслида эса бунинг акси.

Олимлар таъкидлашларича, Эрондан Олтойгача чўзилган улкан худудда жойлашган

## ЭЛЛИКҖАЛЪАДА КОЛЛЕЖ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁР

Қорақалпоғистон республикаси Элликжала ту- манидаги 25-касб-хунар коллежи тўла таъмирдан чиқди ва жиҳозланди. Бир сўз билан айтганда, коллеж ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Мустақилликнинг 8-ийлида бу ўқув маскани 240 нафар ўқувчани ўз бағрига олади. Улар бу ерда чи- лангарлик, шофферлик, хисобчилик, чеварлик, алоқачалик ва компьютер операторлик касбларини эгаллайдилар.

Коллеж қошида очилган телерадио аппаратура ту- затиш устахонаси, сарта- рошхона ва 2 та фирма дўйонида ўқувчилар ама- лиёт тажрибасини ўргана- дилар.

## МАКТАБ ЯНА КЎРКАМ БЎЛДИ

Бойсун туманидаги 39- мактаб таъмирдан чиқа- рилди. Ўқув йили охирла- ган кунларда ёқ ҳалқ таълими ходимлари мактабни янги ўқув йилига тайёрлаш ишларини бошлаб юбо- ришган эди. Бу ишда хомийлар ва ота-оналар ҳам фаол иштирок этди- лар. Шу кунларда мактаб кутубхонасига етишмаёт- ган дарслер ва қўлланма- лар, жиҳозлар ва ўқув куроллари сотиб олинмоқ- да.

Мактаб қошида ёзги бо- лалар оромгоҳи ташкил этилган. Соя-салқин майдонларда ўнлаб кўйи синф ўқувчилари мириқиб дам олмоқдалар.

Бундай дам олиш майдонлари Шўрчи туманида- ги қатор мактаблар қоши- да ҳам ташкил этилди. Уларда кичконтойлар ёзги таътилни мазмунли ўтказ- мокдалар.

## ДУНЁНИНГ ЭНГ БОЙ ОДАМЛАРИ УЛАРНИНГ МАБЛАГИ, МУЛКИ

(миллиард доллар ҳисобида)

- Брунея сultonи** - 27.0; инвестиция, кўчмас мулк, нефть, газ.
- Уолтон оиласи** - 23.5; Wal-Mart тармоғидаги турли дўйонлар.
- Марс оиласи** - 14.0; озиқ-овқат саноати, Mars Inc.
- Минору Мори** - 13.0; Mori қурилиш компанияси, кўчмас мулк.
- Самуэл Й.Ньюхаус мл.** - 10.0; китоб-нашриёт ишлари.
- Саудия Арабистони Қироли Фахд** - 10.0; нефть.
- Жон Вернер Клугс** - 8.8; кўнгилочар (дам олиш) саноати.
- Гэд Розинг** - 8.5; нафақаҳур.
- Буюк Британия қироличаси Елизавета II** - 7.8; кўчмас мулк, қимматли қофозлар.
- Тоичи Таканана оиласи** - 7.1; қурилиш.
- Шайх ал-Сабоҳ Жаббор Аҳмад** - 7.0; чет эл инвестиции.
- Уильям Гейтс III** - 6.7; компьютер бизнеси
- Уоррен Баффет** - 6.4; холдинг.
- Роналд Перельман** - 5.9; ноширлик иши.
- Эни Кокс Чамберс** - 5.8; дам олиш саноати.

Азиз ёш иктисадчилар! Бу маълумотлар "The Fortune" журналининг 1993 йил 28 июнь сонидан олинди. Биз бу маълумотни атайн бердик. Энди сиз газетамизнинг ўтган сондаги "Бойликни бойлик чакиради" мақолосидаги маълумотга киёсланг ва биргина Билл Гейтснинг авлоди Уильям Гейтс бойлиги сўнгги 5 йил неча марта ортириган. Ҳа-да, Гейтсларнинг мулки 1999 йил бошига ке-

либ 90 миллиард долларга етган. Ҳа, уларни ҳакиқи ишбайлармон деса бўлади. Қолаверса Гейтсларнинг баҳти бор экан, дунёда компьютер бозори ўсиб көдди.

Бундай холатда банк фирмачун янга бир маҳсус хисоб очади. уни Депозит рақами дейдилар. Бу рақамга фирмада омонатининг бир қисми ўтказилади. Бунда пулни янада кўпроқ фоиз билан кайташиб ўтади. Бундай шарти ўтказилади.

Ахир банк ҳам фирма билан, ҳам омонати билан ҳисоб-китоб қилишига тўғри келади.

Пул банкда мана шу тарика ишлайди.

Бироқ банк - факат пулнинг уйи эмас. Банкда кимматли қоғозларни ҳам асрайдилар.

Банк турли ташкилотларнинг акцияларини ҳам саклайди, бу хизматлари учун ташкилотлар банкка пул тўлайдилар. Ахир банк - зўр коровул-қўриқчи!

Банк - нафақат й, у нафақат коровул, айни вактда банк пулни жамғарма сертификатига айлантириб берувчи ҳамдир.

Агар банкка зудлик билан пул зарур бўлиб колса, у сизнинг пулнингизни олади-да, ўрнига қоғоз беради. Бу қоғоз жамғарма сертификати деб атади. Унда пулнингизни қачон, қанча фоиз билан кайтариб бериш шарти ёзилган бўлади.

Ҳа, банкда иш кўп. Унинг ҳаётини жуда кизикарли. Банк - сехргарга ўхшайди. Буни банкка иши тушган ёки унда ишлаб-санади ҳадамларигина яхши билишади. Агар сиз ҳам пулни ўстириш ўйланини ўрганидесангиз, энг аввали мана шу маколамизни хеч йўқса 3-4 марта кайтакайта ўқиб-ўрганинг. Сўнг...

## ДИЁРА АМЕРИКАГА БОРДИ

Ёдингиздадир: шу йилнинг киши-баҳор ойларида республикамизда иқтидорли ўқувчиларнинг "Болалар ижоди - 2000 йил" кўрик-танлови бўлиб ўтган эди. У бир неча босқичда бўлган: аввал туманлар, сўнг вилоятлар, ва ниҳоят, республика миқёсида ўтказилган эди. Кўрик-танловларда 10-12 яшар болаларнинг тасвирий санъат, ҳайкалтарошлиқ, каштацилик, зардўзлик, кулолчилик, гиламдўзлик ва чиннисозлик бўйича энг яхши ишлари намойиш этилганди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати бу асралар орасидан энг сараларини ажратиб, ҳалқаро кўрикка тавсия этандилар.

Яқинда ана шу саъй-ҳаракатларнинг якуни юза-

сидан хушхабар келди. Тошкентлик ёш рассом - 8 яшар ўқувчи Диёра Ҳасанова республикамиз фолиби деб топилди ва у шу июль ойида Америка Қўшма Штатлари поятьхи Вашингтонда ўтадиган "Болалар ижоди - 2000 йил" Ҳалқаро фестивалга таклиф этилди.

Диёра - Республика Маданият ишлари вазирлигига қарашли Болалар бадиий ижоди марказининг тасвирий санъат студиясининг аъзоси. У устози таникли рассом Ҳикмат Жалиловдан рассомлик сирларини ўрганмоқда. Диёрани Вашингтонга ҳам унинг севимли устози ўзи бирга олиб борди.

## ФИЛГА МУСИҚА ЧАЛИБ БЕРГАНУ УЧУН...



Гонолулу ҳайвонот боғида ғайритабии тартиб бузувчи одам қўлга олинди

Ҳайвонот боғига ташриф буюрган сайёхлардан бирин фил сакланаётган майдончанинг бўйи уч метрли бетон деворидан ичкарига ошиб тушади. Ва улкан филга гармон чалиб бера бошлади. "Филнинг оромини бузган" бу гуноҳкор қўлга олинди ва судга берилиди. Унга "жонзотга шафқатсиз муносабатда бўлгани учун..." деб айб қўйилди.

## ҶЎШИ ИШКИ ЯРЧИМ МЕТРЛИ ҚИЗ

1964 йилнинг 26 июнида Хитойда, оддий ота-онадан гаройиб-улкан қизалоқ дунёга келди. Бу қизчага Сен Чунлин деб исм қўйилди. Сен 4 ойлик қаҳалоқлик давридан бошлаб жуда тез ўса бошлади. У уч ярим ёшида унинг бўйи 1 м. 56 см., ўн уч ёшида 2 м., 17 см. эди. Сен-нинг бўйи 2 м. 48 см.га етди. Бироқ бу унинг аниқ ўлчами эмасди. Чунки бу қизчага



нинг умумрткаси қишишайиб қолган-ди. Уни ҳеч вақт аниқ ўлчаб бўлмасди. Унинг кафти 25.5 см.га, оёғи 35.5 см.га етди. Афсуски, Сен Чунлин узоқ яшамади. У 17 ёшида қазо қилди.

## БУЮК ШОИРГА АТАЛГАН УЗУН ДЕВОРИЙ ГАЗЕТА

Сыктықвардаги мактаблардан бирининг ўқувчилари Александр Сергеевич Пушкин таваллудининг 200 йиллигига атаб фаройиб деворий газета чиқардилар. Газетанинг узунлиги оз эмас, кўп эмас - 76 метр!

Бу "Пушкиннома"да ҳар бир синф ўқувчилари учун бир ярим квадрат метрдан жой ажратилди.

Афсуски, газетанинг яхлитида ёпиштириш учун яхлит жой топилмади. Ўқувчилар уни қисм-қисмларга ажратиб, мактабнинг учла қаватига ёпиштирилар.



ПУШКИННОМА

## ҲАВОДАНИ СУВ ҲОСИЛ ҚИЛАДИ



Россия Фанлар Академиясига қарашли илмий тадқиқот институтлардан биринда селектив сорбект моддаси яратилди. У ҳаводаги намлини сўриб олиб, оддий тоза ичимлик сувига айлантириб беради.

Олимлар айтишларича, бир тонна сорбент ҳавоси нам жойлардаги кичикроқ бир қиши тоза ичимлик сувига таъминлай олади.

# ТАРБИЯЧИЛАР КҮПРИК-ТАНЛОВИ



Тошкентда, "Тракторсозлар маданият саройи"-да Мирзо Улуғбек тумани ПТБ (халқ таълим бўлими)га қарашли 131, 383, 378, 222, 504-болалар боғчалари тарбиячилари нинг "Йил тарбиячиси" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тадбирни 134-болалар боғчаси мудираси Аҳмаджонова Ҳамида Фуломовна олиб борди.

Кўрикнинг биринчи шартига кўра тарбиячилар тури саҳна кўринишлари орқали ўзларини таниширишлари керак эди.

Самукова Муяссар (131-б/б) ўз касби ҳақида қўшиқ ижро этди, болалар унга жўр бўлди.

Сафоева Гулчехранинг (383-б/б) болалар билан биргаликда бешик, беланчак тузаш, унга болани белаш, тандирга нон ёпиш, ўчоқда овқат пишириши; тўптош, арқонда сакраш, кураш тушиш, топишмок айтиш, ҳадис-у ривоятлардан ёд олиши тарғиб қилиши кечага янада файз кириди.

Хайдардинова Шахноза (378-б/б) ҳам ўз тарбияла-нувларидан билан биргаликда "Бизнинг боғча" номли қўшиқни ижро этди. Улуғ сиймоларни билиш кераклиги, қуш қафасини тоза тутиш, меҳнатсевар бўлишни ўргатиш ҳақида саҳна кўриниши намойиш қилди.

Эгамбердиева Маргуба (222-б/б) "Минг бир кеча" эртагидан саҳна кўрсатди. Болалар билан тинчлик мавзуида апликация ясад, қоғоздан қилинган каптарчалар, шарлар ёрдамида осмонга парвоз қилди.

Исомутдинова Шоира (504-б/б) тарбиячи, касби, меҳнатини реклама қилиш усули билан шартнинг мазмунини очиб берди.

Кўрикнинг иккичи шарти ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида" ги Конунни ва Қадрлаш тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича қилинаётган янгича иш кўринишлари асосида бўлиб, "Баркамол авлодни тарбиялаш менинг орзум" мавзуусида бўлди.

Бу шарт ижросида болалар фаол катнаштилар. Айниқса, 504-боғча тарбияла-нувларидан билан биргаликда "Бизнинг боғча" номли қўшиқни ижро этди. Улуғ сиймоларни билиш кераклиги, қуш қафасини тоза тутиш, меҳнатсевар бўлишни ўргатиш ҳақида саҳна кўриниши намойиш қилди.

Беҳзод: Менинг лойиҳам

бўйича XXI асрда чет эл боғча болалари, тарбиячилари ўзбекистонга тажриба ўргангани келадилар, чунки бизнинг диёrimiz энг ри-вожланган мамлакатлар қаторидан жой олади.

Дадаҳон: - Менинг лойиҳамда, чиқиндилардан фойдали нарсалар тайёрлайдиган роботни ифодаладим.

Мадина: - Менинг лойиҳамда сайёralарни ўрганиш мақсади баён этилган.

Болаларнинг буюк алломалар ҳақидаги билимлари, ёддан айтган ғазаллари-ючинолари, инглиз тилида қўшиқлари ҳайъат аъзоларини ҳам ҳайратга солди.

Тарбияла-нувларидан билан биргаликда "Бизнинг боғча" номли қўшиқни ижро этди. Тарбиячиларни мўъжизакорлиги шу шарт ижросида намоён бўлди.

Ўзларининг зукколигини, билимдонлигини, ҳозиржавоблигини намоён қилдилар.

"Аёл дунёни тебратар" шарти бўйича тарбиячилар ўзи тиккан кўйлакларини намойиш қилишди, рақсга тушишди, қўшиқ қулашди, ёддан шеър айтишди, соч турмаклаш намуналарини кўрсатишиди ва тортни бе-заш маҳоратларини кўрсатдилар.

Сўнгги шарт қийтиқ матолардан эртак қаҳрамонларини ясад, саҳна кўриниши ижро этиш эди. Тарбиячиларнинг мўъжизакорлиги шу шарт ижросида намоён бўлди.

Ҳайъат аъзолари М.Х.Ахмедова, М.И.Мусаева, Ф.Рахимова, С.С.Исақова, Ш.Шукровалар биринчи ўринга М.Самуковани, иккичи ўринга М.Эгамбердини, учинчи ўринга Ш.Исомуддинова, Г.Сафоева, Ш.Хайдардиноваларни лойиқ деб топдилар.



## ҲАЙР БОҒЧА, САЛОМ МАКТАБ

Бугун тўнгич болажонимнинг боғча билан хайрлашув эрталиги. Юрагим хапқириб, қалбим қалқиб кетяпти. Менинг "эркатой", "ширинток", "аклтой" болам энди каттадардек жиддий, ўйчан йигитча бўлиб улғайди.

Боғчага қадам қўйишим билан байрамона кайфиятга дуч келдим. Ховли супуриб-сирилган. Байроқчалар, шарлар янада кўркамлик касб этган. Боғчанинг мусиқа хонаси ота-оналар билан тўлган. Улар ҳам болаларнинг байрамона чиқишларини кўргани келишган. Тарбияла-нувларидан кечага пухта тайёрланишибди. Улар улуғ алломалар сиймоларини гавдалантириш билан бирга, ғазаллар, чистонлар, ўғитларни ёддан айтиб беришли.

Зарчопон, салла, зарли маҳси кийган Амир Темур, Мирзо Улуғ-

бек, тиллақошли, хонатласга бурканган Увайсий ва Нодирабегимлар то-мошабинларни ҳайратга солди.

А.Ориповнинг "Ўзбекистон-Батним маним" шеърини болаларнинг барчаси ифодали қилиб айтиб беришиди. Қизчаларнинг рақслари, қўшиқлари байрам руҳини янада кўтарди. Кечада сўнгидаги болалар боғча мудираси Фуломова Муаззам Самиевнага, услугуби Ниёзметова Нурия Абдуллаевнага, ҳамшира Арипова Гўзал Музраповнага, ошпаз Курбо-

нова Муҳайё Эргашевнага, мусиқа ўқитувчиси Фаттохова Рима Николаевнага, рақс ўқитувчиси Райхон Рашидовналарга атаб алоҳида-алоҳида шеър, қўшиқ, рақс билан ўз миннатдорчиликларини изхор қилдилар.


Шундай одобли, ахлоқли, билимдон болалар тарбиячи Сирожиддинова Мунаввар Давлатовна ва тарбиячи Тўлаганова Насиба Исматовналар гурух битирувчиларири. Албатта тарбиячиларга қанча раҳмат десактада, шунча камлик килади. Чунки




йигирма-йигирма беш нафар болалар билан ҳар куни, кун бўйи шуғуланиш учун қанчадан-қанча куч, ирода, сабр-тоқат, матонат керак бўлади. Шунингдек, ота-оналарнинг ишончини оклаш, болаларни соғ-саломат уйга кузатишдан ташқари, етук-баркамол инсон бўлиб улғайишлари учун харакат қиладилар. Мирзо Улуғбек туманидаги шундай фидойи тарбиячилар ишлайдиган 504-боғчада менинг ҳам фарзандларим таълим-тарбия олаётганидан беҳад ҳурсандман. Келажаги буюк давлатга соғлом авлодни етишираётган меҳри дарё тарбиячиларимиз ишларига зафарлар тилаймиз.

**Мұхаррам ПИРМАТОВА,  
Малика ХАЛИЛОВА**  
туширган суратлар







**ЮҚОРИДАГИ РАСМНИ БЕШТАГА ШУНДАЙ БҮЛІНГКИ,  
ХАР БИРДА ШАКЛАРДАН БИТТАДАН БҮЛСИН**



**ЮҚОРИДАГИ КАТТА ТҮРТБУРЧАҚДАН ЧИҚМАГАН ҲОЛДА УЧТА  
БИР ХИЛ АЙЛНА ЧИЗИНГ. УЛАРНИҢ ҲАР БИРДА БИТТАДАН  
ЭЛІПС, УЧБУРЧАК ВА ТҮРТБУРЧАК БҮЛСИН**




**ҚАЛАМИНГИЗНИ ҚОФОЗДАН УЗМАЙ ТУРИБ ШУНДАЙ ШАКЛ ЧИЗА  
ОЛАСИЗМИ? ЧИЗИҚЛАР БИР-БИРИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ,  
ЛЕКИН ТАКРОРЛАМАЙДЫ**



**ШАКЛДА НЕЧТА  
УЧБУРЧАК БОР?**

**ДОМИНОЛАРДАН ЫСГИЛГАН ШАКЛНИ 28 ТАГА БҮЛСИН. МАСАЛАН:**



**Шаклда қуидаги доминолар мавжуд:**

0-0							
0-1	1-1						
0-2	1-2	2-2					
0-3	1-3	2-3	3-3				
0-4	1-4	2-4	3-4	4-4			
0-5	1-5	2-5	3-5	4-5	5-5		
0-6	1-6	2-6	3-6	4-6	5-6	6-6	

Биз жаҳонда содир бўлайтган турли-туман мўъжизалар, ажабтовор воқеаларга ҳайрон бўлиб қараймиз. Шу каби ҳодисалар атрофимизда ҳам учраб туради. Тасаввур қилинг-а, уч ёшли мурғак боланинг дафтар китоб кўтариб мактабга, ўқишига қатнашини. Ишонмаяпсизми? Унда қулоқ солинг.

Абдулбасир Юнусов илк бор ўқишига боргандан роппа-роса уч ёшда эди. Лекин мактабдаги сершовқин ҳаётга тезда кўнига олмади. Шундан кейин Абдулбасирни ота-

онаси мактабдан қайтириб олишиди. Бироқ бу иқтидорли боланинг дарагини эшитган пойтахтимиздаги 216-мактаб раҳбарияти унга шароит яратиб, мактабга қабул қилишиди. Тўрт ёшга тўлган Абдулбасиржон ўзбек, лотин, араб имлосини, ҳисобни, ўқиши ва ёзиши пухта ўрганди. Махсус имтиҳондан ўтгач, мактабда ўқий бошлади. Хозир Абдулбасиржон етти ёшда 216-мактабнинг 4-”А”синфи мұваффақиятли якунлади. Дарвоҷе, унинг оиласи хусусида. Унинг отаси Абдусаттор ака муҳандис олим, онаси - олим. Сиёсий иқтисод мутахассиси.

Абдулбасирнинг опаси Рисолат ҳозир 11 ёшда. У еттинчи синфни айло баҳолар билан якунлади. Рисолат 5 ёшида ўқиши-ёзиши, қўшиш-айриши пухта билган. Ва мактабга қабул қилинган.

Рисолат ўзидан 3 ёш катта опаси Адолат билан бирга ўқишиди. Адолат ҳам анча зийраккина қиз.

Бу уч фарзанд ичидан қай бири билим жиҳатидан кучли, деган саволга шундай жавоб олинди. Маълум бўлишича улар ўқиётган гимназия тарих фанига ихтисослашган экан. Шу боис ахборот-тахлил дарси ўтилади. Буни қаранг-ки, жаҳон ахборотига оид дарсини кичкина Абдулбасир иккала

опасидан ҳам яхшироқ ўзлаштириши маълум бўлди. Ҳатто уласига ҳарф танитган опалар ҳам ахборотларни тахлил қилинганда ундан ёрдам сўрашар экан.

Айтишларича, бу оиласа болалар ҳарф ўрганишни ҳали юрмаётган ва гапирмаётган ва қўларидан бошлашар экан. Маса лан, Абдулбасир ҳали ёшига етмаган вақтларида унга магнит ҳарф шаклларини бераб бу «А», бу «О» дея таништиришган. Жуда кичкина туғилган болакай қўзларини мўлтиратиб ҳарфларни териб ўтираверган. Ва сўзлар ҳосил қилган.

Абдулбасир келажакда ким бўласиз, десак, у шундай деб жавоб беради. Ўзга сайдерага ракета учирман. Ҳозирданоқ астрономияга оид китобларни мутолаа қилаяпман.

Илмли, олим кишилар оллоҳга яқин бўладилар, дейишади. Муқаддас китобларда ҳам илм ибодатдан афзал дейилган. Юртимизда илм олиш, хунар ўрганиш учун бизга барча зарур шароитлар яратилган. Бу имкониятдан тўғри фойдаланайлик.

**Севара ЖЎРАЕВА.**  
Пойтахтимиздаги 236-  
мактаб  
ўкувчиси

## САРИШТАЛИК

Биз ўзбекларнинг энг оддий, аммо энг фаҳрли фазилатларимиздан бири-саришталик деб ўйлайман. Ўзбек хонадони остоидан эмас, нақ гузар бошидан бошланади, десам муболага қилмаган бўлардим. Агар шаҳар, қишлоқларимиздаги маҳалла ва даҳаларни оралаб қолсангиз, тонг ёшом пайти кўчаларда сув сепилиб, йўллар четига экилган садарайхону жамбиллар таратган ифордан фараҳга тўласиз. Мен ҳар гал опамларни кираганимда, уйлари, ҳовлиларидаги саришталикдан роҳатланаман. Бўлмаса, бу уйда опам беш ўғил ва кенжатои якка-ю-ягона қўнини парваришлайди. Ўғил болалар тўла ҳовлида саришталик сақлашни ўзи бўлмайди. Бундай пайтда онанинг қўли ҳам, асаблари ҳам темирдан бўлиши керак.

Беш аканинг эркаси бўлган жияним опамга қанчалик дастёр бўларкин, буям ўғил боладек катта бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Яқинда опамни кираганимда жияним Иродаҳон кўча-ю-ховлиларга сув сепиб, супуриб турганинг устидан чиқдим.

Жиянимдан нечага кирганлигини сўрагандим, бутун ўн ёшга тўлдим, деб қолди. Шунда жияним Иродаҳоннинг ўн ёшига атаб ушбу шеър гулурайхонлар ифори билан ўйғунлашиб ёзила бошланди.

Ўнга кирган сонга кирагар, дастёр бўлиб ёнга кирагар. Сарипта бўлса уйлари, Фарипта меҳмонга кирагар.

Таҳсаниб таҳмонга кирагар. Ширин сўзла, қилингинг, Иймонсиз иймонга

кирагар.

Миннатдан йўқдир ёмони, Ҳанжар бўлиб жонга кирагар. Йўргагу, кафан деб инсон, Бу дунё - дўёнга кирагар.

Бошин тик тутса ҳамуғдой, Охир тегирмонга кирагар. Қўтонга кираг қўзилар, Бўталоқ карвонга кирагар.

Қанчалик қилма тарбия, Бўрилар ўрмонга кирагар, Атрофин кўйсанг ҳам ўраб, Шоирлар Дўрмонга кирагар.

Хайр, деб шомда қуёш, Салом деб тонгта кирагар. Асл жойим шунда, деб  
БАХТ,  
Хур Ўзбекистонга кирагар.

**Оллоёр БЕГАЛИЕВ,**  
**Шоир, Усмон Носир**  
**мукофоти совриндори.**




Онаси қавиган кўрналар,

Таҳсаниб таҳмонга кирагар.

Ширин сўзла, қилингинг,

Иймонсиз иймонга

## TA\*TILGA ENG YAXSHI SOVG\*A



*Assalomu alaykum, qadrli gazetam. Mana ma\*mil kunklari ham tugay deb goldi. Ta\*tilda maza qilib ertak, har xil kitoblar o\*qidik. Yaqinda oyijonim menga yoziuvchi Po\*lat Mo\*minning «Ertalabki assalom» deb nomlangan kitobini olib keldilar. Kitob shunaqa chiroy li va qiziqarli ekan. Men barcha tengdoshlarimga ushbu kitobni o\*qib chiqishlarini maslahat berardim.*

*Nafisa OCHILOVA,  
M.Ulug\*bek tumanidagi  
49-o\*rta maktabning  
3-sinf o\*quchisi.*

## ЁЗ ЁМФИРИ

Ҳар кеч даладан қайтиб келаётган қизлар Гулшанбиби хонадонида йиғилишиб, ўйин-кулги қилишар эди. Кимдир ёз таҳтилини қандай ўтётгани ўқида гапирса, Муқаддам бაзни қизларга табиат ўқитувчиси қандай қилиб гербай тайёрлашни ўргаттани ҳақида гапириб берарди. Кўпчилик бўлиб, Ўзбекистон Мустақиллиги жамоа хўжалигига помидор теришга ҳашарга чиқдик. Кунларнинг бирида пайкалинг охирига стай деб қолганимизда, ёғирда қолиб кетдик. Ёғир тез ёғаётган бўлса ҳам, бъязи қизлар пайкаллардан чиқиб кетишимади. Гулшанбибининг онаси: «Бу ёғир ёз ёмфирни. Тез тинади, бизни меҳнат қилишга, ҳосилимизни вақтида йиғиб олишимизга унда туради», - дедилар. Гулшанбибининг онаси бизларни ҳар доим меҳнат қилишга, қилган меҳнатимиз маҳсулини кўрганда, қўзларимиз қувонини кўп марта айтадилар. Хуллас, ёзги таътилда бекор юрмаслигимизни тайинлайдилар.

**Дилноза ҚОДИРОВА,**  
**Фарғона вилояти, Ал-Хоразмий**  
**номли 33- ўрта мактабнинг б-**  
**сиф ўкувчиси**

## СИЗНИНГ МАҲМУДА ОПАНГИЗ...

### ВАТАННИИ КЎРМОҚЧИ БЎЛСАНТИЗ...

Юртбошимизнинг мана бу сўзларига алоҳида меҳр билан тез-тез назар солиб туринг:

«Бизни танлаган ўйламииздан ҳеч ким ҳеч қачон қайтара олмайди, зотан, Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишига, ҳар қандай ёвуз кучиңг ёнгига қодирдир. Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улуғвор ҳайкал бўлажак! Ўзбекистонни шуҳратига шуҳрат қўшуви фарзандларимизга мұжаддас бешик бўлажак!»

Шу Ватанда туғилганиман, Шу Ватанда уй жойим бор, Шу Ватанда бобом қабри, Онам меҳри барқарор.

Шу Ватаннинг сувларида, Эркин юрган розиман.

Шу Ватаннинг эрки учун, Курбон бўлсан розиман.

**Мехринисо  
ХОЖИЕВА, Бухоро вилояти,  
Вобкент туманидаги 1-иктидорли  
ғимназиясининг 11-сиф  
ўкувчиси.**



севимли онаси, пазандам, арзандам, чеварим, севарим деб юм-юм ийлаётган қайнонаси Шарифа аянинг ёлғиз келини, Қўшқўргон маҳалласининг лобар-лочин келини эди. Маҳалла болаларининг муаммолари, оилавий

килонч ва андуҳлар индаллоси... газета таҳламларида ўз ечимини топиб-топмай қолиб кетди. «Олти йил уй куриб олти

кун яшади-я», - деб афсус қилаётган ёру

## ОЙНИНГ ЎН БЕШИНИ...

Шодликлар вақтинча, кулгу вақтинча,  
Аламлар вақтинча, қайғу вақтинча,  
Қадрига етмасанг туйғу вақтинча,  
Ойнинг ўн бешини ёруг дейдилар.

Кимнинг кўнглини олдим ширин сўз топиб,  
Қай ўйлда адашдим номард дўст топиб,  
Ўйлайман бошларим ёстиқча ботиб.  
Ойнинг ўн бешини ёруг дейдилар.

Бир сўзи икки хил тилларни кўрдим,  
Манзили икки хил ўйларни кўрдим.  
Ёзда совуқ урган гулларни кўрдим,  
Ойнинг ўн бешини ёруг дейдилар.

Ногоҳ дард ўртади хону монимни,  
Пушаймонлар қўйнап аёл жонимни,  
Согиниб кетяпман Бибихонимни  
Ойнинг ўн бешини ёруг дейдилар.

Юрагим санчади батзида батзида,  
Шеър ёзгим келади меҳр ҳақида,  
Қачон келар дейман дамлар расида  
Ойнинг ўн бешини ёруг дейдилар.

\* Яшайман ўн бешин кутмоқ деб дардим,  
Менам одамдайин қўшиқ ёзардим.  
Бир бор бандам дегин беназир тангрим  
Ойнинг ўн бешини ёруг дейдилар,  
Сайёра ТҮЙЧИЕВА.

биродарлари янглишадилар. Эски уйнинг ходаси бошига тушиб зумда бу оламдаги интилишлари, орзу умидларини тарқ этган Маҳмуда опангизнинг орамиздан кетиши бизга ҳаёт фаниматлигини, бир-биримизни сақлаб меҳрли ва оқибатли бўлишимиз кераклигини қайта-қайта уқтираётган бўлсада қалбимизда бир нидо: Сиз кетмайсиз, Маҳмудаой! Кичик жамоамиз ўзининг ширин сўзи, таҳририятта келгандарни таъми оғизда қоладиган ширин чойи ва ҳамиша келинчаклик (холбуки 20 кундан кейин қизи Гавҳарой келинлик либосини кияр эди). Илтифоти билан қувнаб қараб турадиган инсонни унутмайди. Чунки, саҳиб қалбли устоз ва айни дамда камтар ва камсуқумлиги билан ҳатто боғча болаларинингнинг шогирди - Маҳмуда Ҳайдарова мангу шундай ёш ва гўзал, фаровон ҳаёт учун қалби орзу, интилишлар билан лиммо-лим тўла инсон бўлиб қолади.

**«Тонг юлдузи» жамоаси**



# ПОЙИЧТАР СОЙИЧТАР

1. Нимани сўйса қон чиқмайди?
2. Қанақа нарса ҳеч қачон камаймайди?
3. Калла қачон енгил бўлади?
4. Қайниди, лекин исимайди. Нима бу?
5. Болани қулогини бураса нима бўлади?
6. Болалар қанақа уйни яхши кўришади?
7. Иқтисодга кўпроқ нима халақит беради?
8. Қулоғи бор, лекин қулоқсиз. Нима бу?
9. Туянинг бўйни нега эгри-бугри?
10. Нега тешиккулчанинг ўртаси тешик?



1. Қовунни.
2. Йўқ нарса.
3. Чўнтак оғир бўлса.
4. Булоқ.
5. Овози чиқади.
6. Бурчаксиз уйни.
7. Қорин.
8. Қозон.
9. Ичган суви тўкилиб кетмаслиги учун.
10. Шамол ўтиб туриши учун.

Илҳом ЗОЙИР.



## БИЗНИС ТАРЖИМА

Ўқитувчи:- Биздан Хитой узоқми ёки ой?  
Ўқувчи:- Биздан Хитой узоқ.  
Ўқитувчи:- Нега бундай деб ўйлайсан?  
Ўқувчи:- Чунки биз ойни қоронгида ҳам кўраверамиз. Хитойни эса кўра олмаймиз...

\*\*\*

Ник: -Ёмғир нима ўзи, ойижон?  
Онаси: -Ёмғир ёқсан вақтда олма, ўрик ва турли ўсимликлар ўсади, кўкаради...  
Ник: -Унда нега ёмғир йўлакларга ҳам ёғади?  
Уларда ҳеч нарса кўкармайди-ку?

\*\*\*

-Рим қачон қурилган, - сўради ўқитувчи.  
-Кундузи ва кечаси...  
-Сенга буни ким айтди?  
-Ўзингиз айтдингиз-ку, Римни бир кунда куриб бўлмайди, деб...

\*\*\*

-Хўш, бугун дарсда ҳеч кимга ҳалақит бермадингми?- сўради дадаси ўғлидан.  
- Йўқ, дарс вақтида мен даҳлизда турдим,- жавоб берди ўғли.

\*\*\*

-Ўғлим, ўрнингдан тур, қуёш тепангта чиқиб кетди-я,- онаси уйқудан турғизмоқчи бўлди.  
Ўғли эриниб деди: - Күёш соат олтида уйқута кетади, мен эса соат 9 да ухлайман.

**Инвалидидан Сафарали ХОЖИЕВ**  
таржимаси,  
Сирдарё вилояти, Нуробод қишлоғи,  
4- ўрта мактаб ўқувчиси.

## КЕТИБ ҚОЛМА, ҚАЛДИРФОУ

Баҳор кунларининг бири эди. Айвонимизнинг шифтига қалдирғоч ин кура бошлади. Укам уларни ҳайдайман деганида, ойим урушиб бердилар:

«Уларга озор бермагин, қалдирғоч уйга баҳт олиб келади», - дедилар. Бу гапга бувам ҳам қўшилдилар.

-Болам, қалдирғоч ин курган уй тинч, осойишта бўлади, кимки уни уйини бузса, тинчлиги йўқолади.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас қалдирғочларнинг уйи битди. Кўп ўтмай бола очди. Ҳар гал полапонларининг чийиллашини эшигтанда, укам мириқиб-мириқиб кулади. Айтишларича, қалдирғочга уйимиз ёқиб қолса, уни бир умр тарқ этмас экан. Ёмонлик кўрса қайтиб келмас экан. Мен хоҳлардимки, қалдирғочимиз уйимизни бир умр тарқ этмасин.

**Дилноза Қодирова, Фарғона вилояти,**  
**Ал-Хоразмийномидаги 33- ўрта мактабининг**  
**6-«A» синф ўқувчиси.**

## ШАЛЛОВ

Санобар Қодирова.

Бекатдаги симёғочга ёпиширилган эълонларни иккита қиз ўқиб туриди.  
Дилноза: - Шаҳноз, манави эълонни қара. (ўқиди)

Келинлар конкурсини эълон қиласиз! Улар кир юва олиши, ойна артиши, дазмол қилиши ва бошқа уй юмушларини бажара олишлари шарт. Конкурс натижаси ҳафта охирида эълон қилинади. Таъловда барча ёщдаги қизлар қатнашишлари мумкин.

Шаҳноз: - Вой, Дилноз, менимча куёв бўлмиш йигит жуда гўзал бўлса керак, бўлмаса, танлов эълон қилиб ўтирамиди?

Дилноза: - Тўғри айтсан, ҳозир шаҳарни юз марта кезиб чиқсанг ҳам кўнглингта ёқадиган бирорга йигитни учрага олмайсан.

Шаҳноз: - Ўзиям, ўқимишли, жуда одобли йигит бўлса керагов...

Дилноза: - Э, гапни чўзиб нима қиласиз, юр кетдик, ундан кўра бориб, танловда қатнашамиз.

(Келиб эшик қоқишиди. Ичкаридан ҳассага таянган, кўзига кўзойнак таққан қари кампир Ҳадича хола чиқади).

Ҳадича хола: - Келинглар, айланайлар, уй кўтарай десам, қувватим йўқ, ўғлим билан келиним дам олишга кеттанига ропша-роса бир ой бўлди. Кир ювай десам, қўлим ярамади. ( Қизлар ичкарига киришса, яна олти-еттитача қизлар хизмат қилишашагти).

Шаҳноз: - Холажон, сиз ҳеч ҳам ўзингизни уринтирманг, биз ҳам қарашиб юборамиз.

Дилноза: - Келинг, сиз ошхонада чой ичиб ўтира туринг. (Чойдан қуйиб узатади).

Ҳадича хола: - Вой умрингдан барака топгурлар-еъ, қўлинг дард кўрмагулар. Қизлар музыка оҳангидан хизмат қилиб кетадилар. Ниҳоят ишлар тутагач, қизлар кампир теласига келадилар).

Шарифа: - Холажон, энди бизга куёв бўлмиш неварангизни кўрсатсангиз.

Ҳадича хола: - (Чақиради) Илёс, ҳой, Илёс...

(Кичкина, тишлари кемтик етти яшар Илёс югуриб келади).

Илёс: - Лаббай, бувижон, ( Қўли кўксига, бошида дўппи, қаддини ростлаб, қизларга уялиб бир-бир қарайди).

Ҳадича хола: - (Илёсни елкасига қоқиб, уни кўрсатади). - Мана, куёв бола.

( Қизлар қиқирлаб кулиб, уялиб қараб қоладилар ).



## ТОНГ ЮЛДУЗИ

### Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛИҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»  
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умид АБДУАЗИМОВА

### ТАҲРИР ХАЙЬАТИ:

Йўлдош САИДЖОНОВ, Омон МАТЖОНОВ, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Мукаррама МУРОДОВА, Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ, Музаффар ПИРМАТОВ, Баҳодир TOFAEV, Равшан ҚАМБАРОВ.

IBM компььютерида терилиди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ

Буюргма. — K-7316.

43.351 нусхада босилди.

Қоғоз бичими — A-3.

Босишига топшириш вақти 19.00

Топширилди — 18.00

Рўйхтдан ўтиш тартиби № 000137

Манзилимиз: 700129,

Тошкент шаҳри, Навоий кучаси, 30 уй.

Нашр қурсаткичи: № 64563

Телефон: 144-62-34

# ТОНГ ГОЛАУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмиirlарининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 28 (6997 - 6998)  
1999 йил, 3 сентябрь

Сотувда эркин  
нархда

Мамлакатимизда озодликнинг 8 йиллик тантаналари зўр кўтарникли билан нишонланмоқда. 8 йил мобайнида биринчи ёнфга борган ўқувчи оғуун ҳарф таниб, билимини анча кенгайтирган. Ўша даврда туғилган ҷақалоқ эса мактабга қатнай бошлаган...

Ҳа, 8 йил салмоғи, воқеа-ҳодисалари билан залворли. Кўчаларимизни тўлдириб чопқиллаб юрган Нексия, Тико, Дамасларда кўрамиз унинг қанчалик ҳаётимиз учун аҳамият кашф эттанини! Байроғимизни ҳилширатиб, осмон узра ер шарининг турли бурчакларига қатиаб турган самолётларимиз, поезд ва кемаларимиз ўзбек номини эллараро, диллараро ташимоқда экан, шодмиз, озодмиз!

Дунёни шўх кулгулар жарангни билан тўлдираётган азиз болажон!

Сен ҳозирча озодлик нашидасини уча ҳис қилмассан. Боболаринг, момоларинг ҳаёти, қувонч ва ширин ташвишлари сенга уни аста-секинлик билан сўйлаб бериши мумкин. Кечагина рус тили иккичи она тилимиз, деб дарс тинглаган (ахир она ягона бўлади-ку) ака ва опаларингнинг мағрур

## ҚИШЛОГИМНИ ЯХШИ КУРАМАН

нигоҳида ҳам озодлик суратини кўришинг мумкин. Демак, ўз она тилимизга дилимиздагиларни кўчирадиган бўлибмиз-да, деяпсан, балли. Дилдаги тилга чиқсан, қуллик, мутеълик дағлигини йиққа п ОЗОДЛИК бизга ўзиҳимини хам қайтариб берди. Бўйнига қизил галстук боғлаб, барабалар чалиб, юрт ишига



доим тайёрмиз, дейишга ўргатилган сен тенги болакайлар бир вақтлар паҳта ўзбек ҳалқининг миллӣ ифтихори, деб паҳта етиштирас, уни чаногида қолдирмай терар ва ўзи барibir бойимас эди. Сени кутаётган мактаблар, лицей ва коллежлар бугунги кунда янгича дунёқараш, шаклланиш ва инсонийликка қадамнинг илк гўшасидир. Разм сол,

эҳтимол, сенинг қишлоғингда, маҳалланг ёки шаҳарчангда ҳам замонавий бинолар қад ростлагандир? Кичик корхоналар: нон, макарон, музқаймоқ... ишлаб берадиган

майдонига айланган. Демак, кимdir ғишт ташимоқда, лой қормоқда, пойdevор тикламоқда. Шундай экан, бугунги кунда мустаҳкам ва кўркам бино битиши учун меҳнат машақатлари, етишмовчилик, камчиликлар ҳаммамизда мавжуд. Ахир, тикланиш, қурилишнинг ўзи бўлмайди-да. Ахир, мустақилликнинг йўли фақат фаронсонлик эмас, бунинг учун кекса-ю-ёш меҳнат қилиши, тикланмоғи, қад ростланмоғи учун қатъий курашмоғи лозим. Узоққа бормай, ўз хона донингиз, оиласигизни кўз олдингизга келтиринг: Айтайлик, катта аканлиз, келинойинг ва иккиси жиянинг билан рўзгорини бўлак қилди. Бунинг учун уй солди, сигир-бузок олди, тандир қурди, чойнакниёла, қозон дегандек... Ҳаммаси бир кунда, бир вақтнинг ўзида бўлмайди-да, тўғрими? Бунинг учун сиз ҳам қараб турмадингиз, ота-онангиз-у, акангизнинг дўст-ўртоқлари ҳам! Мусулмончилик аста-секинлик, дегани шу

Муҳаррир минбари бўлса керак-да. Сабр билан, бардош билан ёруғ манзиллар сари одимлаётган купларимизда сизлардан жуда кўп мактублар келмоқда. Мустақилликни ҳис қилиб, қалби тўла фурур билан Зангита туманидаги 16-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дилбар Отажонова сизнинг туйғунгизни бир оғизгина «Қишлоғимни яхши кўраман», деган сўз билан ифодалабди. «Мирзо Улугбек номидаги қишлоғимизда янги бинолар қад ростланмоқда, одамлар турар жойларини яхшила мояқда, ҳаммадан ҳам мактаби миз атрофидаги ташландик жоғоён й кўкала мластирилиб, Муқаддас она ҳайкали ўрнатилди. Мен ОНА пойда таъзим бажо қиларканман, она қишлоғимни янада яхши кўриб кетдим. Мен қишлоғимдан ҳеч қаёққа кетмайман...»

Туғилган жойига меҳри бекиёслар катта юртнинг чинакам фидойи ўғил-қизларидир.

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!

Ёзги таътилда Бурчулло тоғидаги аямларнинг ишхонасига тегишли оромгоҳда дам олдим. Қайтиб келсак, шаҳримиз шундай чиройли бўлиб кетибди. Бинолар қақлайди, байроқлар ҳилширайди. Мен нега шаҳримиз гўзал бўлиб кетганини биламан. Ахир, биз мустақилларнинг 8 йиллигини байрам қиласиз-да. Мен аям билан шу мавзуда гапиришишни жуда яхши кўраман. Аям опам икковимизга доим:

Мадҳия айтилганда, ўнг қўйларинг кўксингга қўйиб, тик туриб ёшитинглар,-дейди.

Сабабини биласизми?

Мен биламан: Чунки биз бу озодликка жуда қийналаб етганимиз. Қанча-қанча жасоратли отабоболаримиз ҳам ҳалок бўлганлар. Дунёдаги ҳамма миллатлар ҳам мадҳия ва байроққа эга эмаслар-ку, ахир. Бу гапларни ҳам аямдан ёшитганман.

Икковимиз қолдик, дегунча саволга тутаман:

Ая, 1991 йилнинг 1 сентябрида

Жерда эдингиз?

- Ўда эдим, ўғлим.

Байрамга чиқмаганмисиз? Амир Темур ҳайкали олдига келмаганмисиз? Гул-чи,

курилиди. Чемпион бўлиб турли шаҳарларда Ўзбекистон байроғини кўтарган чемпионларимиз ҳақидаги ҳикоялари ҳам менга ёқади. «Тико», «Дамас», «Нексия» лар ҳам Ўзбекистонимиз машиналари. Аям доим менга:

- Ўғлим, зўр ўқи, яхши ўқиб, конкурсларда голиб чиқсанг, Америкага бориб ўқийсан,- дейдилар. Мен бўш вақтларимда опам билан инглиз тилидан дарс тайёрлаймиз.

- Келажакда яхши кинофильмлар ишлайдиган режиссёр бўламан. Ҳозир «Тонг юлдузи» газетасини ўқибдиган барча дўстларимни Мустақиллик байрами билан табриклаб, бир шеър йўллайман.

Айвон олди қўш терак,  
Хар кун битта хуш дарак,  
Ватан мустақиллиги,  
Ҳаммамизга муборак.

Нажот АЪЗАМОВ,  
64-ўрта мактабнинг  
4-синф ўқувчиси.



## Афинадан салом!

Салом, ўзбекистонлик дўстлар! Биз онам, дадам ва синглим Христина билан узоқ Гречия давлатининг Афина шаҳридан сизнинг гўзал Ватанингизни, Мустақиллик байрамини кўришга келдик. Тошкент гулларга ва фаввораларга бой шаҳар экан. Мен шаҳрингизда жуда кўп дўстлар ортиридим. Менга Тошкентнинг ўзбекча палови жуда жуда ёқди. Ўзбек болаларининг шўх, қувноқлигини айтмайсизми?! Улар ўз Ватанини жуда ҳам севишаркан. Биз ойим билан бозорга бордик. Умримда бунақа катта, кўркм бозорни кўрмаган эдим. У ердаги қовун-тарвузлар ва айниқса, анжирининг шириллиги менга жуда ёқди. Қандай бой ва гўзал, жаннатмакон шаҳар эгаси экаңсизлар. Бизнинг шаҳримиз ҳам қадимий ва навқирон. Мен Афинадаги 16-мактабда ўқийман. Мактабда умумий форма бўлиб, барча дарслар худди сизларни келди. Чет тили ва компютер чукур ўргатилади. Дунёдаги барча болалар мусиқа, спорт ўйинини яхши кўришса керак. Мен ҳам спортни севаман. Сизларнинг мамлакатингизда спортта кенг эътибор берилган экан.

Барчангизни мустақиллик байрами билан кутлаб, шаҳримизга таклиф қиласан.

Варсами Елена.

- Зулфия оға, аввало мустақиллик байрами муборак бўлсин. Ана шундаи файзли онларда дўстлар билан дийдор кўришиши қандай яхши.

- Раҳмат. Тўғри айтасиз. Америкага, ўзбек оиласига меҳмонга борганимни назарда тутаяпсиз чоғи?

Ҳа, мустақиллик бизга кўп ва х ўп нарсаларни берди ва бераяти. Америкага қилган сафарим бунинг биргина мисолидир. Буни қарангки, ўз уйдан бир кун ҳам нарила бўлмаган ўзбек аёлининг иккى ойдан ошиқ Америка Кўшима Штатида яшанини тасавур қила оласизми? Боргандан кунимоқ ўз уйимни, дўстларимни, барча таниш-билишларни жуда соғиндим. У юртнинг ҳалқи ҳам бизга ўхшаб меҳмондўст экан. Қанчалик илтифот кўрсатишмасин, тезроқ ўз ватанимга қайтпим келди. Ҳар куни туш кўрдим: онамни, дугонам, кўчам, ҳатто сут-қатиқ, писта ҳурт сотиб ўтирадиган таниш-нотаниш миллатдошларимни!

## ШИРИНАИККА ЎЧМИЗ

БИЗ БОЛАЛИКДАН.

**АММО ЙИЛИМИЗ ҲАМ ҒОИМО ШИРИН БҰЛСАЙДИ..**  
-дебди Тошкент автомобиль ўйлар институти «Ойдин ўй»  
газетасининг бош муҳаррири Зулфия Шодиева.

Ватан муқаддас эканлигига, унинг меҳридан ҳеч нарса устун эмаслигига яна бир бор икрор бўлдим.

Америка чин маънода гўзал юрт. Унинг осмонўпар биноларидан завқданмай иложимиз йўқ. Уларнинг ҳалқи ўз хукуқини жуда яхши билар экан. Ўз навбатида қонунга ҳурмат билан қарашарқан. Шунинг учун ҳам ҳалол меҳнат билан кун кечиришади. Табиийки, ҳалол меҳнат орқасида тинч, осуда ҳаёт туради. Одамлари ширинсўз, бир-бирига меҳрибон. Ўзим тувоҳ бўлган биргина мисолни айтиб ўтмоқчиман.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиб турганлар айниқса, болалар ўтаётганида саломлашиб, уларнинг елкасига қўли билан қоқиб, ширинсўз айтадилар. Бу ширинсўз замираша «ўқувчи мактабга яхши кайфиятда борсинг», деган ният ётар экан. Ҳайдовчилар ҳам машинани йўл ҳаракати қоидасига амал қилиб ҳайлашар экан. Бу томонларидан биз ҳам ўнрек олсак арзиди.

Биласизми, юртимга келган кунимоқ хушбўй ҳидлар, истараси иссиқ одамлар мени қарши олди. Ҳаттоқи, ватанимда ўсадиган гулларимизнинг ҳили ўзгача эканлигига тан бердим. Меваларимизнинг мазаси оламда йўқ. Атайлаб асалга қориб олинганга ўхшайди. Қовунларимизни айтмайсизми? Бизнинг ҳалқимиз ана шундай ширин меваларни тапаввул қиласди. Демак, оғзимиздан чиқадиган ҳар бир сўз Аллоҳ иноят қилган меваларимиз каби ширин бўлмоғи даркор.

Ширин тил, ширин орзулар ҳамроҳ бўлса, юртимиз янада яшнаб кетади. Шу кунларда соғинч билан, севинч билан тақрорлаб юрган кўшиғимни тингланг ва жўр бўлинг:

«Айланайин қора қошу кўзингдан,  
Ўзингдан қўймасин, ҳалқим, ўзингдан!»

Феруза ОДИЛОВА ёзиб олди.

Ўзбек-Ўзига бек

Ассалому алайкум,  
Мухтарам Ислом  
Абдуғаниевич!

Баъзан мен  
ижод қилиб  
турман.  
Юқоридаги  
воеалар  
шоҳиди бўла туриб, иродаси мустаҳкам



ва кечиримли бўлган ўзбек ҳалқига шундай  
дегим келади:

Қабоҳат, разиллик султонларига,  
Наҳотки, шунча йил таъзим қилибмиз?  
Күёшисиз, булатли осмонларини,  
Юксак, улуғвор деб кўзга суримиз?

Юртимиз ўз даҳо, шоирларини,  
Душман деб отганда дебмизки, шукр  
Ўзбекка ёд қилиб шиорларини,  
Дебдилар: «Содда-ку ўзбек тушмагур».

Бир аср ийғлади содда ўзбегим,  
Беллари букилди пахта дардида.  
Э, воҳ! Қайд қолди менинг ўзлигим,  
Нелар юз бермоқда фалак гирдида?

Охир бўлди ўзбек ўзига амир,  
Бу катта карвонга сарбон Юртбошим.  
Эртасин ўйлаган энг кучли томир,  
Бир умр ўйлоди бўл, менга Бардошим!

**Малика ЭШМОНОВА.**  
Кашқадарё вилояти.

Китоб туманидаги Алишер Навоий номли  
1-урта мактабининг 9-синф ўқувчиси.

## VATAN TIMSOLLARI MUQADDASDIR

*Milliy timsollar va ramzlarning har biri milliy gururimizni yuksaltirishga xizmat qiladi. Ularning har biri -katta bir darslik, kuchli tarbiya vositasidir.*

### DAVLAT BAYROG\*I

O'zbekiston Respublikasining Davlat bayrog'i O'zbekiston Respublikasi Oliy kengashining navbatdan tashqari o'tkazilgan yettinchi sessiyasida 1991 yil 18 noyabr kuni tasdiqlangan.

Davlat bayrog'i va uning bugungi O'zbekiston sarhadida qadimda mavjud bo'lgan davlatlar bilan tarixan bog'liqligini anglatadi va Respublikaning milliy madaniy an'analarini o'zida mujassamlashtiradi. 1. Bayroqdagagi moviy rang Tiriklik mazmuni aks etgan mangu osmon va obi-hayot ramzidir. Timsollar tilida bu - yaxshilikni, donishmandlikni, halollikni, shon-shuhurat va sadoqatni bildiradi. Binobarin, Amir Temur davlati bayrog'ining rangi ham moviy rangda edi.

2. Bayroqdagagi oq rang muqaddas tinchlik ramzi bo'lib, bu kun charoq' onligi va koinot yoritgichlari bilan uyg'unlashib ketadi. Oq rang -poklik, beg'uborlik, soflikni, orzu va xayollar tozaligi, go'zalikka intilishning tivsolidir.

3. Yashil rang- tabiatning yangilanish ramzi. U ko'pgina xalqlarni navqironlik, umid va shodumonlik timsoli hisoblanadi.

4. Qizil chiziqlar- vujudimizda jo'shib oqayotgan hayotiy qudrat imroqlaridir.

5. Navqiron yarimoy tasviri bizning tarixiy an'analarimiz bilan bog'liq. Ayni paytda qo'lga kiritilgan Mustaqilligimiz ramzidir.

6. Yulduzlar barcha uchun ruxoni, iloxiy timsol sanalgandir. O'zbekiston Respublikasi davlat bayrog'idagi 12 ta yulduz tasviri ham tarixiy an'analarimiz qadimgi quyosh yilnomamizga bevosita aloqadordir. Bizning 12 yulduzga bo'lgan e'tiborimiz O'zbekiston sarhadidagi qadimgi davlatlar ilmiy tafakkurida «Nujum ilmi» taraqqiy etganligi bilan ham izohlanadi. Davlat bayrog'imizdagi 12 yulduz tasvirini o'zbek xalqi madaniyati qadimiyligi, uning komillikkha, o'z tuprog'ida saodatga intilishi ramzi sifatida tushunish lozim.

### O'zbekiston Respublikasi Davlat Gerbi

O'zbekiston respublikasining davlat gerbi 1992 yil 2 iyul kuni tasdiqlangan. O'zbekiston Respublikasining davlat gerbida gullagan vodiyo uzra charaqlab turgan quyosh tasviridan hamda o'ng tomonida bug'doy boshoqlari, so'l tomonida ochilgan paxta chanoqlari surati tushirilgan chambardan iboratdir.

Gerbning yuqori qismida Respublika jipsligining ramzi sifatida sakkiz qirrali yulduz tasvirlangan.

Sakkiz qirra ichida joylashgan yarimoy va yulduz musulmonlarning qutlug' ramzidir. Gerb markazida himmat, oljanoblik va fidoyilik timsoli bo'lgan afsonaviy humo qushi qanotlarini yozib turibdi. Ushbu ramz va timsollar xalqimizning tinchlik, yaxshilik, baxt-saodat, farovonlik yo'lidagi orzu-umidlarini ifodalaydi. Gerbning pastki qismidagi respublika Davlat bayrog'ini ifodalovchi uch rangdagi chambar bandiga O'zbekiston so'zi bitilgan.

«Gerb» so'zining tarixi haqida qisqacha ma'lumot.

«Gerb» so'zi nemischa «erbo» degan so'zdan olingan

bo'lib, shohlar va hukmdorlarga davlat, sarhad, hudud va

boshqa nasldan-nasnga meros qoluvchi mulk belgisini anglatadi.

### O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING DAVLAT MADHIYASI

Mutal Burxonov musiqasi

Abdulla Oripop she'ri

Serquyosh hur o'lkam, elg'at baxt-najot.  
Sen o'zing do'stlarga yo'ldosh, mehribon.  
Yashnagay to abad ilmu fan ijod,  
Shuhrating porlasin toki bor jahon.

Naqarot

Oltin bu vodiylar-jon O'zbekiston,

Ajdodlar mardona ruhi senga yor.

Ulug' xalq qudrati jo'sh urgan zamon.

Olamni mahliyo aylagan diyor.

Bag'ri keng o'zbekning o'chmas iymoni,  
Erkin yosh avlodlar senga zo'r qanot.  
Istiqlol mash'ali, tinchlik posboni.  
Haqsevar ona yurt mangu bo'l obod.

Naqarot

Oltin bu vodiylar jon O'zbekiston,

Ajdodlar mardona ruhi senga yor.

Ulug' xalq qudrati jo'sh urgan zamon.

Olamni mahliyo aylagan diyor.

Уларни Ватан тақдирлади

## СЕХРЛИ ЁФДУ ТУХФЯЛАРИ

**Куни кечаси - Мустақиллигимизнинг 8 йиллик муборак тўйи арафасида байрам муносабати билан бир гурӯҳ ҳамюртларимиз мукофотландилар. Ижод, изланиш, меҳнатлари муносаби тақдирланганлар ичидаги киноижодкорларимиздан Владимир Исоков ("Дўстлик" ордени билан), Зулфиқор Мусоқов ("Меҳнат шуҳрати" ордени билан)лар ҳам бор.**

**Бу икки ижодкор миллий киномизни ўзларининг баракали, сермазмун ижодлари билан тўлдириб келмоқдалар.**

**Биз уларни бу юксак мукофотлар билан қутлаймиз. Куйида икки ижодкор ҳамкорлигида яратилган фильмлар ҳақида фикр юритамиз.**

## „ТИЛСИМОЙ - ФАРОЙИБ ҚИЗАЛОҚ“ БИЛАН „КИЧКИНА ТАБИБ“НИ КЎРДИНГИЗМИ?

“Дунёни болаларга берайлик” деган ўтили ва бетакрор сатрни битганди турк шоири Нозим Ҳикмат. Кимдир болалар адабиётининг йилдан-йилга оқсаб бораётганидан, кимлардир болалар тарбиясидаги камчиликлардан куюниб юрган бир пайтда “Ўзбекфильм” болаларга мўлжалланган иккита фильмни яратди.

Булардан биринчиси “Тилсимой - фаройиб қизалоқ” фильмининг сценарийини таникли болалар шоири Анвар Обиджон ҳамда режиссёр М.Боймухамедовлар яратишган.

“Тилсимой - фаройиб қизалоқ” фильмидир. Мазкур фильмни томоша қилган киши унинг фантастик фильмларни суратга олиш ҳақидаги “қадим” анъана-ларга содик равишда тасвирга туширганларининг гувоҳи бўлади.

“Тилсимой - фаройиб қизалоқ” фильмининг сценарийини таникли болалар шоири Анвар Обиджон ҳамда режиссёр М.Боймухамедовлар яратишган.

Мазкур фильм ёш ва янги истеъододларни кашф этди. Фильмда бош ролларни ижро этиб берган Фотима ва Зухра Истроилова, Отабек Аҳмедовлар ҳали мактаб ўқитувчилари.

Инсон умрининг энг покиза ва беғубор фасли ҳақидаги ушбу фильм кишини мана шу гўзал оламга болаликка етаклайди. Биз фильмнинг бадиий савиясини юксак даражада дея

олмаймиз. Бироқ у ўзбек болалари учун яратилган, уларга аталган ўзига хос совға эканлиги рост. Ман шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда фильмда йўл қўйилган камчиликларни кечирса бўлади.

Ана энди “Кичкина табиб” фильми ҳақида сўз юритсан.

Ушбу фильмнинг режиссёри Зулфиқор Мусоқовдир. “Кичкина табиб” фильмидаги жажжи бош қаҳрамон сиймосини эса беш ёшидаётк катта саҳнада кўшик куйлаб одамларни ҳайрат оғушида қолдирган Дилшод Каттабеков ижро этган.

Очиғини айтганда, бийрон тилли бу болакай фильмнинг чин маънодаги безаги бўлган. Бу фильмнинг ҳам, яратувчиларнинг ҳам ютуқлари. Аммо яна нуқсон фильмнинг бадиий савиясидан топилади.

Хўш, нима учун яна бадиий савияга тўхтадлик. Бизни ажаблантирган нарса шу бўлдики, ҳар иккала фильмда ҳам саргузаштларга катта аҳамият бериб юборилган. Ҳолбуки, болаларга атаб яратилган фильмларда уларнинг ҳайратлари, ўю ташвишлари, қувончлари кўзга ташланниб туриши керак.

Бундай фильмларда болаларнинг ўзига хос муаммоларини ёритиб бериш керак. Бироқ бу, нуқтада “Кичкина табиб”ни ҳам, “Тилсимой - фаройиб қизалоқ” фильмини ҳам мақтайдолмаймиз.


Балки бир неча йилдан бери болажонларнинг севимли фильмлари рўйхатидан тушмай келаётган “Тангалик болалар” фильмидаги ёдимиизга тушади. Биз тилга олган икки фильмни суратга олиш жараёнида унтиб қолдирилган нарсалар “Тангалик болалар”да бор эди.

Бу фильмда болаларнинг ўзига хос орзулари ўз ҳолида кўрсатиб берилилганни. Сўзимиз “Тангалик болалар”га томон бурилиб, “Кичкина табиб”ни унтиб кўя ёзибмиз.

Ушбу фильмда Фотима Режаметова, Карим Мирходиев, Мурод Ражабов каби таникли ва севимли юлдузлар ҳам суратга тушишган. Шу ўринда режиссёрнинг актёрларни танлаш маҳоратига қойилқолса бўлади.

Энг муҳими эса ўзбек болалар киноси томонга дастлабки қадамлар қўйилди. Илк қадамларни эса олқишлиш керак.

## ВАТАН ТАҚДИРИ



Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли фундаментал асари кўплаб мамлакатлар олимларида қизиқиши ўйғотгани, бир неча тилларга таржима қилингани ва хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ҳам ўрганилаётгани унинг юқори савиясидан дарак беради. Ҳамда асарнинг маданиятимизга, хусусан кино маданиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатишидан дарак беради. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” номли ана шу муаммал асарга бағишинланган фильм тасмасида янги аср бўсағасида давлатимиз дуч келаётган сиёсий, иқтисодий, муаммолар өтими, табиат ва унга муносабат

доирасида сўз юритилади.

Ушбу ҳужжатли публицистик киносериал ижодкорлари - муаллифа режиссёр Владимир Исоков, бадиий раҳбар Темурмалик Юнусов, тасвирчилар ва бутун ижодий гурӯҳ асарни, тарихни ва экранда тасвир топган тарихий материалларни синчиклаб ўрганганларига биз асарни томоша қилиш жараёнида амин бўлдик.

Ижодкорлар мана шу аснода фильмнинг ҳаққоний чиқишига замин ҳозирлаганлар. Ва шу билан бирга фильм тасмасига Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши арафасидаги ва истиқолонинг дастлабки йилларидаги тарихий воқеаларни ихчам композицион лавҳалар, кўринишларга жойлаб олганлар.

Фильмнинг биринчи сериясида

давлатимиз тинчлигига хавф солиб турган диний экстремизм, вахобийлик ҳақидаги мулоҳазага кенг ўрин берилган. Ва ана шу оқимнинг кескин ҳаракатлари туфайли тинчлигни йўқотган давлатлар, Тожикистан, Афғонистондаги аянчли ҳолатлар, уруш тасвирлари, чет элдаги бъязи кишилар амалга ошираётган ёвуз ишлар ва бу ҳақда диний бошқарма вакилининг ҳамда Президентимизнинг фикрлари фильм мавзусини ёритишига хизмат қилган. Томошабин кўз олдида пайдо бўлган рамзий буюмлар: қумсоат, “Куръони Карим”, шамнинг тасвири, файласуфларнинг фикрлари, вахобийларнинг жиҳодга чорлов сўзлари ва асар муаллифининг бунга билдирилган фикрлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда экранлаштирилган. Буларнинг ҳаммаси томошабинда ҳужжатли фильмга нисбатан қизиқиши ўйғотади. Ва асосийси, кишини энг олий неъмат тинчлиг эканига ишонтиради. Юртимиз тинчлигига таҳдид колаётганларга нисбатан муносабат ўйғотади. Қисқаси, Ватан тақдирига бефарқликни даф қиласи. Шунингдек, биринчи қисмдан Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ҳақида ҳикоя қиливчи лавҳалар, масалан, Президентнинг БМТнинг XIV сессиясида сўзлаган нутқидан парчалар, ривожланган давлатлар раҳбарлари билан учрашув тасвирлари ҳам ўрин олган.

Экология муаммоларига бағишиланган иккинчи қисм эса, мамлакатимиз экологиясининг бугунги ҳолати, бу ҳолатларнинг келиб чиқиши сабаблари, асар муаллифининг уларнинг олдини олиш ва ҳал қилиши ҳақидаги фикрларини то-

мошабинга етказади. Бу қисмда ҳам ижодкорларнинг фильмлар хазинасидан унумли фойдаланганиклари кўриниб турибди. Шунингдек, экранлаштирилаётган китобнинг кино манбаларига мурожаат этганлари ҳар бир кадрда кўзга ташланади. Экранда Оролнинг аввалги кўриниши гавдаланади. Унинг бугунги фожеали аҳволи, Оролбўйи худудининг атмосфераси носоғлом эканлиги, мана шу худудда дунёга келаётган гўдакларнинг касалмандлиги, табиатга ўйламай мўносабатда бўлинган даврнинг маҳсули эканлиги тасвирланади.

Фильмнинг қизиқарли чиққани, бутун фильм давомида ижодкорлар маҳоратининг даражасини англатиб турган тасвир, унда қўтирилган мавзуларнинг долзарблиги ва берилган фикрларнинг асослилиги, мусиқа, монтаж, ихчам композициялар, албатта, асарнинг ютуқлари. Буларни эътироф этиб ўтиш керак.

Фильмнинг яна бир ёрқин қирраси тарбиявий аҳамиятининг бекиёслигидир. уни кўрган ёшлар юртимиз тақдирни ва уни қора кучлардан, қора ниятли кишилардан ҳимоя қилиш ҳақида, биз мансуб бўлган жамиятнинг жаҳонда ўзига хос ўрни борлиги ва бу обрўэтиборни асраш, авайлаш кераклиги ҳақида, албатта, мушоҳада юритадилар.

Қалбларида шу Ватанга нисбатан қандайдир меҳр учқуни бўлса, албатта, фильм томошасидан кейин тинчлик қадри ҳақида фикр юритадилар. Бунга шубҳа йўқ.

Гулноз МУМИНОВА.

## ШАЖАРНИ ҚАНДАЙ ТАШЁРЛАЙДИЛАР?

Қадим вақтларда одамлар қандга бүлган әхтиёжларини асал ва шириң мевалар (үрік, қовун, хурма, узум ва б.) ёрдамида қондирғанлар. Тропик мамлакаттар кашф этилгач, улар шакар қамишдан фойдаланышни ўрганишган. Бу үсімлік асли қаңон кашф этилгани номаълум. Чunksи тропик жойлардағы маҳаллій халқ уни истеъмол қылар экан, буни шу ерга келган сайёхлар ҳам ўрганиб, келиб, Европага тарқатғанлар.

Хозир бу үсімлік Марказий ва Жанубий Американын күпгина мамлакатларида маҳсус етиширилади. Шакарқамиш дунё қанд-шакар саноатининг асосий хомашёси хисобланади.

Авваллари инглиз ва даниялик денгизчилар шакар савдоси билан

шүғулланар эди. 1807 йили француз императори Наполеон деярли бутун Европаны босиб олди. У фаятгина Англияның үзиге бүйсундира олмади. Бундан дарғазаб бүлган Наполеон Европага Англия билан олди-сотди, берди-олдин ғашын этиб қўйди. Натижада европаликлар қандга муҳтож бўлиб қолишиди. Шунда одамлар қанд лавлагида ҳам кўплаб қанд моддаси борлигини кашф этишди.


Қанд лавлаги совукроқ минтақаларда ҳам ўсавериши билан одамларнинг жонига оро кирди. Таркиби, мазасига кўра қанд лавлагидан олинадиган шакар шакарқамишдан олинадиган шакардан фарқ қилмайди.

Қанд лавлагини ердан ковлаб олгач, уни япроқларини олиб таш-


лашди (улар чорва молларига яхши озуқа бўлади) ва қайта ишлаш учун қанд заводларига юборилади.

Заводда лавлагини майда бўлакларга бўлишади. Улардан шарбат олинади. Шарбат қиздирилгач, унинг суви буғланиб учиб кетиб, тагида куюкли-шакари қолади.

Яқин вақтларда республикамизга шакар четдан келтирилар эди. Мустақиллик давримизда Хоразм ва Наманган вилоятларида шакар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



## БИЗ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ФИКРЛАЙ ОЛАМИЗ?



Бу саволга жавоб топиш учун инсоният миллион йиллардан бери ҳаракат қиласи. Бирок ҳозиргача аник бир жавоб топилгани йўқ. Шундай бўлсада, олимлар бу борада озми-кўпми маълумот тўплашга мушарраф бўлди.

Бизнинг барча фикрлаш жараёнларимиз миёда содир бўлади. Вужудимиздаги кўплаб сезги организмларимиздан тури сигналлар мияга юборилади. Улар мияда қайта ишланади, фикрга айланади. Сўнг мия мушаклар ва бошқа аъзолар орқали нерв импульслари жавоб бўйрунни йўллади.

Асосий нерв тузилмалари бош мия ва миячага бориб туташган. Умуртқа ва унинг ичидағи орқа мия ҳам марказий нерв системасининг бир қисми. Нерв системасига етган озигина жароҳат ҳам одамни шол қилиб қўйиши мумкин (шу сабабли бош ва умуртқанғизни ниҳоятда асранг, болалар!)

Мия бехисоб тўқималардан иборат. Унинг тузилиши жуда мураккаб. Миянинг асосий қисмларидан бири - мия пўстлоғидир. Унинг қалинлиги 1.5-3 мм бўлади. Мия пўстлоғи бутун мияни ўраб туради. Мия пўстлоғи бехисоб бурмалардан иборат.

Худди мана шу мия пўстлоғи ва унинг бурмаларида барча асабларимизнинг марказлари жойлашган: кўриш, эшишиш, сўзлаш, ҳаракат, мувознат, хотира, тасаввур ва б. Одамнинг фикрлаш ва хўлкани белгилайдиган марказлар ҳам худди ана шу мия пўстлоғига жойлашган.

Айтишларича, кишининг миясида бурмаси кўп бўлса, у ақллироқ бўлармиш. Балки тўғриди, ахир одам қанча кўп кўл меҳнати қўлса, унинг кафт ва кўл терисида бурмалар шунча кўп бўлади-ку! Ким кўп йўласа, фикрласа, әхтимол унинг мия пўстлоғи ҳам шунча кўпроқ бурмаланар...

## ДАРСЛАРИМИЗ СОАТ 14 ДА ТУГАЙДИ

Мана, янги ўқув йили ҳам бошланди. Эрталаб ўқишга борган кўпгина болалар айни туш чоғида ўйга қайтадилар. Айримлари эса куни узайтирилган гурухларда қолиб, ўйга берилган вазифаларни тайёрлашиб, кечга яқин соат 17-18 ларгача мактабда бўладилар.

"Нега соат 14, 17-18?" дейсизми? Ҳа-я, сизнинг соатингиз-будильнингиз циферблатида фаят 1 дан 12 гача рақамлар бор холос. У ҳолда кун 2 марта - кечаси соат 1 да ва кундузи соат миллиари "1" устига келганда бошланадими? Бир кун кечаси, ундан кейинги кун кундузи бошланадими? Ҳа, йўғ-е! Қадим-қадимдан ҳалқимиз бир кеча бир кундузни "бир кун" дейди. Дунёдаги ҳамма ҳалқлар учун тушунарли қилиб айтилса, бир кечакундузимиз бир сутка бўлади.

Эътибор берганимисиз? Бир суттакада соат миллиари ўз ўқи атрофида 2 марта айланиб чиқади (бир сутка нега 24 соат экани, бир ой 29.5 кундан кўпроқ экани ҳақида "Ёш иқтисодчи" мизнинг ўтган йилги баҳор сонларининг бирида шархлаб берганимиз).

Кун (сутка) тунги соат "0" (нуль-дан бошланади. Орадан бир сектунд ўтган бўлса ҳам "Соат 00.01 сония" дейиш керак. Кундуз соат 12.59 дан сўнг соат 13.00 келади. Бу ёки тунги соат 24 гача ўз тартибида айтаверасиз.

Вақт соатлар ўртасида чоғида "ярим" сўзи қўшилади. Масалан, "соат 14 в ўттиз дақиқа" эмас, "соат 14 ярим" дейилади. "30 дақиқадан олдинги дақиқалар бутун соатга кўшиб айтадилади: "соат 14 дан 15 дақиқа ўтди". "14 дан 29 дақиқа ўтди" ва ҳ. Ўттизинчи дақиқадан кейинги вақт ҳақида гап борганида (масалан) "соат 13 дақиқа кам 18" ёки "20 та кам 17" дейилади. Ҳа, ҳозирдан бошлаб вақтни тўғри атаб ўрганинг. Жуда бўлмаса, "соат тунги ўн бир. Кундузги 11" деб одатланинг.



## ТЎР ТЎҚИШ ҚАЧОН ВА ҚАЕРДА БОШЛАНГАН?

Сўнгти йилларда аёллар кийимлари, айниқса қизчалар кийимларини бадиий тўрлар билан беъзаш русм бўлди. Ҷаъалар, белбогчалар, чўнталлар, синг учига, этакка уланган тўртасмалар қизлар кийимларига бир ажаб малоҳат бағишлаётгани аниқ.

Қизик, тагига мато - асос қўймасдан тўр тўқиши, тури ишларни ўйгунлаштириб нақшлар ҳосил қилиш санъати қаҷон пайдо бўлган экан? Тарихий ашёлар гувоҳлик беришича, бу санъат Қадимга Вавилон ва Ассирияда пайдо бўлган. Қояларга чизилган худолар ва шохларнинг кийимлари тўртлар билан безатилган ана шундан гувоҳлик беради. Эрамиздан олдинги ўша даврларда тўқишини турли усуслари мавжуд эди.

Ўриб тўқиладиган тўр маҳсус ёстиқчага асос ишнинг бир учини тўғноғич билан қадаб қўйиб, нақш чизилган расм-нусхага қараб тўқилади. Бу анча мураккаб жараён.

Йўрма тўр қоғозда чизилган расм асосида маҳсус йўрма чок ёрдамида тикиб ("тўқилади"). Бундай йўрма нақш солиши XV асрда Италияда ривожланган эди. (Уни ҳозир машинада нақш солиши, машина қаштасилиги деб юритилади).

Ғарбий Европада тўр тўқиши санъатининг ривожланиши эркаклар кийимлари тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Илк ўрта асрларда ёқ кўйлак ёқалари, синг учлари (манжетлар), шарф ва қўлқонлар тўр билан безатилган. XVI асрда эса тўр кардиналлар, сарой ашёллари ва олий армия зобитлари кийимларининг ажралмас бир қисмiga айланган.

XVII асрдан бошлаб Франция ва Фландрия бадиий тўрнинг асосий экспортёrlарига айланди.

Бундан иккى юз олдин эса машинада тўр тўқиши ўзлаштирилди. Эндига келиб тўр эркакларнинг эмас, балки қиз-аёлларнинг севимли, нағис кийимини бўлиб келди.

## ЁҒДАН ҚОЛГАН ДОҒЛАРНИ КЕТКАЗИШ:

Үсімлик, ҳайвон ёғларининг барча турларидан очик рангли матоларда қолган доғларни куйидагича усулда кетказиш мумкин: янги доғ устига туз, бўр, бензин, талк ёки тоза тупроқ матонинг олди ва орқа томонидан қалин қилиб сепилади. Сўнг устидан қофоз қўйиб оғир нарса билан бостириб қўйилади. Бир кечакундудан сўнг куқун қоқиб юборилали. Тўқ рангли матоларга эса факат орқа тарафидан сепиш кифоя, чунки олд томонида куқуннинг изи тушиб қолиши мумкин.

Оқ матодаги, дафтар ва китоб варагидаги ёғ доғларини кетказиш учун бензин билан тайёрланган пастандан фойдаланилади. Курюк бўр куқуни ёки тоза тупроқни бёнзин билан қоришириб бўтқа тайёрланилади. Уни доғ устига қалин қилиб чаплаб қўйиш керак. Паста қуригач, 2-3 соатдан сўнг уни чўткалаш тозалаш зарур. Агар доғ яхши кетмаган бўлса, бу жараён 2-3 марта тақрорланилади. Агар ювиш мумкин бўлмас буюм бўлса, ювиш зарур, йўқса депатурланган спирт билан артиб ёки латта қўйиб дазмоллаб доғ остида қолган изни йўқотиш мумкин.

Куриган ёғ доғини бензинда кетказишдан олдин унинг устига юқагина қилиб сариёф суртиш йўли билан юмшатилади. Катта доғларни четидан ўртасига қарб артиб тозалаш зарур. Умуман бензин билан тозалашдан олдин доғланган жойни юмшатилади, доғ остига пахта, босма қофоз ёки шимувчи мато қўйилади. Доғ атрофига картошка унини сепиб қўйиш, сўнг тозалаб бўлгач, уни қоқиб юбориш ҳам мумкин.

Чит ва канопдан тўқиленган очик рангли матолардаги доғни нашатир спирти эритмаси (1 стакан сувга 1 чой қошиқ спирт аралаштириб) билан артиб кетказиш мумкин. Сўнг илик сувда ювиш зарур.

Юнг ва ипак матолардаги ёғ доғларини кетказиш учун аввал доғ бўлган жойга "Универсалмаш" ёки "Новесть" кир ювиш куқунларидан бири сепиб қўйилади, сўнг шу куқун (порошок)лар воситасида ювилади. Ёки оддий кирсовун (1 миқдор), депатур спирти (1 миқдор), нашатир спирти (5 миқдор) аралашмаси билан тозалаш ҳам мумкин. Сўнг матони илик сувда ювилади. Агар буюмни ювиш имкони бўлмаса (у пальто бўлиши ҳам мумкин-да!), доғнинг изи қолган жойга бир неча марта хўлланган пахта қўйилади ва у доғ изини шимиб олади.



# БИЗНЕСНИНГ КАТТА ЙҰЛИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. БАЗОРНИ ҮРГАНИШ. РАҚОБАТБАРДОШЛИК - НИМА?

Машхур болалар ёзувчиларидан бири "Тымсох Геннинг бизнеси" номлы китобда шундай деб ёзган: "Бизнес - бу билим, алоқалар, товар ва тоялар ердамида оз пулдан күп микдорда пул хосил килишдір".

Жуда тұғри. Бизнеснинг формуласи ҳам музқаймок тайерлашга үшаб жуда оддий: бизнесмен пул сарфлаб бир иш бошлайды ва иш сүнгиде сарфлаган пулини ортиғи билан чиқариб олади.

Зассалом. Бир қарашда бүнчалик осон ишни ҳамма ҳам қойилмақ килиб ба жараверадигандек: бирорта ишга ҳар ким ҳам пул күшиб қойиб, охир-оқибатда пулини күпайтириб олишни истайди. Бу шунчалик осон бўлса, нега ҳамма бизнесмен бўлиб бойиб кетмайди? Ҳа, бу ерда битта "фақат" и бор: пул күшгандан кейин бу пул кўпайиб унгунича бўлган давр орасида одам жуда кўп жисмонан ва ақлан "тер тўкиш"ига тұғри келади. Пулнинг кўп пулларга айлангунича бўлган масофа жуда узок ва машакқатли.

Оҳ, кошикди шундай сеҳрли таёқча бўлса-да, бир боғлам пулни ўша таёқча билан бир айлантириб кўйсанг, у 2 боғлам пул бўлиб қолса! Яна бир думалатсанг, тұрт боғлам бўлиб қолса!.. Афуски, бунақа сеҳрли таёқча йўқ. Пул жонивор ҳам унча-бунчага қимирлаб, унча-бунчага кўпаявермайди. Лекин пулни кўпайтирадиган сеҳрли таёқча бўлмагани билан, пул кўпайтирадиган бир сирли иш бор. Унинг номини Иқтисодий фаолиятни ташкил этиш дейдилар.

Бу дегани - озгина пул кўпгина пулга айланishi учун корхона ташкил этиш керак (тұғри, ҳамма ҳам улкан завод ёки фабрика ташкил этолмайди. Ҳар ким қурби етганича: оддийгина устахона очиш ёки озроқ пул сарфлаб хомашё сотиб олиб дўппи ё тўп тикиш, ё бўлмаса кутичалар ва эшик-ромлар ясаси мумкин). Шу тариқа ишлаб чиқариш йўлга кўйилали ва қарабсизки, пул кўпайтиришининг сирли жаရени бошланади!

Кимdir гапларимизни ўқиб, бизнинг устимиздан кулаётганини сезиб турибиз. Чунки у ўнта қаламни ўн сўмданга сотиб олиб, нариги маҳаллага бориб ҳар бирини йигирма сўмданга пуллади! Ҳа, у сарфлаган 100 сўм пулини бир соатдан кейиноқ 200 сўм килиб олди. Бу "ишбилармон" қаламларни ўзи ясамади. Ҳа, қаламни ишлаб чиқармади. У фақат олибсотарлик килди. Энди нима дейсиз?

Тұғри, олибсотарлик ҳам бизнес! Лекин олибсотарлик тадбиркорлик эмас. Ва олибсотарликнинг эртаси порлоқ ҳам эмас! Шу сабабли ақлли кишилар бизненинг олибсотарлик бекатида узок туриб қозайлар. Улар ҳеч йўқса бирмунча сармоя тўплаб олибоқ, дархол бирор ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш пайдан бўладилар.

Ўзи бирор фаолият билан шуғулланмайдиган бизнесмен жуда кам учрайди (жатто шу кунларда ҳар бир чорхана бошида ўтириб пистаю ҳўрөзқанд, сақиҷу куртоб сотадиган "холалар" ҳам ҳеч йўқса пистани ўзлари тозалаб, ўзлари ковуришади!). Ҳакиқий тадбиркор доимо бозорга янги нимадир чиқариш, ўзининг нимаси биландир мижозларини кўпайтиришни, янги-янги ҳаридорлар топишни ўйлаб яшайди.

Бизнеснинг қайси йўлини танлаш сизнинг хошишингиз, албатта. Қалам, сақиҷу олибсотарликни танлайсизми ёки машина ишлаб чиқаришнами - бу сизнинг ихтиёргиз. Фордга үшаб сизнинг номингиз билан аталувчи автомобиллар ишлаб чиқаришни истайсизми ёки сақиҷу олибсотарликча бир умрга аттор бўлиб қолишнами? Буни ҳозирдан белгилаб олинг. Ана шунга қараб ўқиш ва орзуларингизни соғдаб боринг.

Биз ёш иқтисодчиларни бизнеснинг ҳакиқий Катта Йўлига чорлаймиз. Биз



шунчаки ул-бул сотиб олиб, уларни нариги кўчага олиб бориб, жиндай фойдасига сотиб кинога ёки музқаймоққа етадиган "фойда" кетидан вақт ўтказиб юрган тенгдошларимизни қоралаймиз. Майли, мана шунақа олиб-сотишини ўрганишсин, лекин шу озгина чойчака кетидан кувиб, ўқишидан, изланишдан қолиб, тұғри йўлдан чалиб кетишини қоралаймиз.

Шунақа. Биз майда олибсотарлик қилиб ёки машина ойларини ювиб пул топаётган ҳаваскор "бизнесмен"лар ўйлаб кўриб, "Энди мен ўзим бирорта мустақил ишни бошлайдиган вақт етди!" деган қарорга келишларини истаймиз.

Шундай қарорга келган ёш иқтисодчиларни табриклаймиз. Баракалла. Яхши гап. Хайрли қарор. Бироқ бу қарорга келган заҳоти сиз худди кемаси айсбергга урилган дengizchi каби 2 та муаммога дуч келишингиз аниқ: Нима қилиш керак? ва Қандай қилиш керак? Энди сиз шахсий корхона очасизми ёки ҳамкорлик корхонасиними ёки хиссадорлик жамиятиними? буни аниқ белгилаб олишингиз зарур.

Буни аниқлашдан олдин, келинг, "Нима қилиш керак?" деган саволга пайдо бўлиши сабабларига бир назар ташлайлик. Сиз ишлаб чиқардиган нарсангизни пировард оқибатда бозорда сотасизку! Шундайми? Демак, у ҳолда аввало бозорни ўрганиш шарт. Бу ўз-ўзидан равшан. Ахир кимга нимани қандай шароитда таклиф этишингизни аниқ тасаввур этишингиз керак-ку!

Бозорни ўрганиш жуда жиддий иш. Бу ишни бекорга Бозор конъюнктурасини ўрганиш деб атамаганлар. Бозор конъюнктураси - энг аввало бозордаги талаб ва таклиф орасидаги муносабатни белгилайдиган иқтисодий жараёндир. Бу нима дегани? Бунинг маъноси шуни одамларга нима зарур ва улар бу нарса учун қанча тўлашга тайёр?

Шу тариқа "Нима қилиш керак?" деган савол ортидан бир қанча янги саволлар пайдо бўлади: қанча керак? ва уни неча сўмдан десангиз одамлар сотиб олишади ва бу пул ўша маҳсулотга кетган ҳаражатни коплаб, сизга фойда ҳам келтириади?

Масалан, саҳрова кум сотиш керак эмас, чунки у ерда кум жуда кўп. Ҳа,

дехқоннинг эшиги олдига қимматбаҳо "Тойота" автомобилини ярқаратиб қўйиб қўйсангиз ҳам, унинг зўрлигини минг мактасангиз ҳам бу дехқон у товарингизга ҳеч ҳам ҳаридор бўлмайди. Агар бу дехқонга велосипед ёки соддароқ ер ҳайдаш техникасини ва ҳатто кажавали мотоциклни таклиф қўйсангиз у бу товарларга кизиқади, сотиб олишга ҳаракат қиласи. Бу - назарий гап. Лекин кўп нарсани ҳаёт бошқача ҳал қиласи. Масалан, ўша дехқон "Тойота"сиз ёки мотоциклсиз ҳам яшай олади, шунинг учун ҳам уларни сотиб олишга унча қизиқмайди. Аммо нон ёки оёқ кийимисиз яшай олмайди у. Дехқон ҳам, зиёли ҳам, шаҳарлик ҳам, чўлдаги чўпон ҳам нон-чой, кийим-кечакка ҳамиша ҳаридор. Тұғри, бу ҳолда ҳам талабни яна ўрганишга тұғри келади: чўлон иссан, чидамли кийимларга ўч, институт талабаси эса чиройли, нафис, янги урфдаги кийимларга ҳаридор ва х.

Ҳа, шундай бўлса-да, талабни ҳам, таклифи ҳам ўрганиш жуда муракаба иш. Масалан, сиз аёллар этиги ишлаб чиқариш корхонаси қуришни режалаштириб, уни қуриб, жиҳозлаб, этик ишлаб чиқариб, бозорга чиқаргунингизча, мода ўзгариб, аёллар калта этик кийишга ўтиб олишлари мумкин. Ёки сиз бир турдаги халтача ишлаб чиқаришни йўлга кўйнингизча, ҳаётда бошқача сумка урф бўлиб кетиши мумкин. Унинг устига, хозир дунёдагина эмас, бир шаҳарнинг ўзида ҳам ҳеч кимда йўқ буюм турини ишлаб чиқардиган тадбиркор йўқ. Нимани олиб қараманг, битта бозорчанинг ўзида ҳам 5-6 тадан сотувчиси (таклиф) бор. Ҳа, сиздан бошқа тадбиркорлар ҳам бор. Агар шундай бўлса, бозорга кўп товар олиб чиқманг ёки сотувчиларингиз ҳар-ҳар шаҳарда (ҳеч йўқса, ҳар-ҳар даҳада) бўлсисн. Йўқса, товарингиз яна ҳам арzonлашиб кетади. Агар бу маҳсулотдан бозорда оз бўлса, марҳамат! Унда бир бозорни ўз молингиз, ўз сотувчиларингиз эгаллаб олишсин.

Доим одамлар эхтиёжманд бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришда шуни ҳам унумтанды. сиздан бошқа тадбиркорлар ҳам айнан мана шундай маҳсулотни кўплаб ва доимо ишлаб чиқаришади. У ҳолда сиз маҳсулотингизнинг бошқаларнидан чирайлироқ, ширинроқ ва пухтароқ бўлишига интилинг. Буни рақобатбардошлик дейдилар.

Рақобатбардошликни ўрганиш - маркетингни учинчи, ҳал қилювчи қисмидир. Ишлаб чиқарган товарингизни бозорга олиб чиқсангиз - бўлди, ҳаридорнинг чўнгагидаги пул сизни эмас. Чунки бозорда сиздан ҳам устароқлар бор, уларнинг маҳсулотлари сизнидан ҳам зўроқ бўлиши мумкинларигини унумтанды.

Уз маҳсулотингизни ўзгалар маҳсулотлари билан киёсланг: бунда энг аввало уларнинг техник томондан мустаҳкамлигига эътибор беринг. Сиз ҳам рақибингиз тайёрлаётган маҳсулотни унидан зўроқ ва арzonроқ қилиб ишлаб чиқара оласизми? Мана шу 2 шартни бажара олсангиз, у ҳолда марҳамат, ишни бошлайверинг. Демак, сиз рақобатбардошсиз ва бозорда ўз ўрнингизни топасиз.

Бироқ, эхтиёт бўлинг. Ҳа, дадил ва эхтиёткор бўлинг. Рақибларингиздан ўзуб кетиш учун сиз ишлаб чиқарган товар юкори сифатли ва арzon бўлиши шарт.

Биз юкорида айтган нозик сирларни чукур англаган бўлсангиз, яшант! Сиз "Мен нима қилиш кераклигини биламан энди!" дейншга ҳақлисиз. Бироқ олдинда хали ишни қандай ташкил қилиш кераклигини ўрганиш турибди. Бу ҳақда кейин алоҳида бағуржга гаплашамиз.

**Музаффар ПИРМАТОВ.**


саҳрова сиз кумни ҳеч қанчага сотмайсиз. Денгизда шур сувни ким олади?! Унинг устига саҳрова ҳам, чўлда ҳам одамлар доимий яшашмайди. Демак, бу ерларда омонат ҳаёт кечирувчиларнинг эхтиёжини ўрганиш ҳам мушкул.






Одамлар қийналган вактларида нима киладилар? Маълумки, ўз олдида қандайдир мумаммо пайдо бўлганидан кейингина инсоннинг бу муаммони ечиш йўлини излайди. Бу изланишлари жамланиб, бъаздан бути фан бўлади.

Маркетингни ана шундай фанлардан бири дейиш мумкин. Маркетинг - бозордаги товарлар ва хизматларга бўлган талаб ва таклифни ўрганадиган фан. У Талаб, Таклиф ва Рақобатбардошликни таҳлилидан иборат.

Шундай қилиб, сиз янги иш бошлайтганингизда шуни аниқ билишингиз керакки, сиз шаҳарга, дунёга нимани тақлиф қилимчизиз, қанчадан ва мана шу сиз тақлиф қилаётган нарсани дунёда (ва шаҳрингизда) яна кимлар қанчадан тақлиф этишишмода? Масалан, чўлда тоза ичимлик суви (чучук сув) тақлиф қилиш яхши иш, лекин бу чўлда атиги 5-6 та ўтова 10-15 чўпон яшайдиган бўлса-ю, уларнинг ўз "сувчи"си бўлса, сизнинг тақлифингиз зарур.

Талабни ўрганиш ҳам жуда жиддий ва оғир иш. Талаб товарнинг нархи ва одамларнинг сотиб олиш кувватига боғлиқ нарса. Масалан, томорқасида етиштирган маҳсулотлари билан тириклилек ўтказадиган





(Давоми. Боши ўтган сонда)

**Дастурхон атрофидан турар экансиз, стол устидаги кераксиз буюмларни йигиштиришга онангизга ёрдамлашинг ва кундалик ҳаётингизни бошлишга киришинг. Аввал нима қылмоқчи эканлигинизни ўзингиз яхшилаб анишлаб олинг. Қылмоқчи бўлган ишингиздан аввал қандай завқ оласиз-у, бу иш бошқаларга қандай наф келтиради. Шу ҳақида жисдий ўлашибигизга тўғри келади. Акс ҳолда қўйидагига ўҳшаган воқеалар ўзингиз билмаган ҳолда юз берши мумкин.**

Мафтұна исмли қыз бир ўртоги билан ўйнаш учун унинг уйига кирибди. Қараса, дугонаси тувакка гул ётказётин экан. Мафтұнанинг унга жудаем ҳаваси келибди. Дугонасининг:

-Илдиз оттан яна бир гулим бор. Шуни сенга берайми, тувакка экиб

қўясан, -деган гапидай кувониб кетибди. Гул қўчатини уйига олиб чиқибди-да, экиш учун идиш қидириб топа олмабди. Сўнг дадасининг мих солиб қўйган бўёқ идишини бўшатаётib, михларини ерга

колибди.

Водопровод кранидан сув олиб келишга эринган Мафтұна ёнида ёттан кучуги Барбоснинг сув ичалиган идишидаги сувини бўшатиб кўя

Ана кўрдингизми,

Мафтұна биргина гул қўчатини ўтказаман, деб, иккита помидор кўчатини увол қилди. Барбоснинг чанқаб қолишига сабабчи бўлди ва михларни сочиб онасига ёки лаласига иш ортириб кўиди.

Азиз ўқувчи, аслида Мафтұна қандай иш тувиши керак эди? Буни аллақачон фаҳмлаган бўлсангиз керак.

Хуллас, чой ичиб бўлгач, кўчага чиқиб бир оз ўйнаб келишини мўлжалладингиз. Аввало ўйдаги катталардан, ойингиз, дадангиздан, ким бўлишидан қатъий назар рухсат сўранг ва уларнинг ижозати билан кўчага отланинг.

Бу опамиз бизнинг фақат ёмон ҳислатларимизни кўрар эканлар, деб ўйласангиз адасасиз. Мен сизларга ибрат бўлган жуда кўп тенгдошларингизни биламан. Аста-секин сизларга ана шундай тенгдошларингиз ҳақида сўзлаб бераман.

**Муқаддас КАРИМОВА  
тајёрлади.**



колибди. Барбоснинг ўқрайиб қараганини ҳам сезмади.

## БОБОЛАРДАГИ БОЛАЛАРДА

Болалар! Ўзингизга маълумки, ўзек болалар адабиёти узоқ тарихий тараққиёт босқичига эга. Ахлоқ-одоб ва таълим-тарбия масалаларига бағишиланган асарлар бу йўлдаги илк қадамлардир. Қўлимдаги ушбу тўплам «Боболардан болаларга» деб номланган. Тўпламнинг ўзига хослиги, аввало, тушунарлиликда акс этади. Ушбу тўпламдан Алишер Навоий, Абдулваҳобхожа ўғли Пашшохажа(Хожа), Муҳаммад Шариф Гулханий, Абдулла Авлонийларнинг сиз болажонларга атаб ёзилган ҳаётбахш насиҳатномалари жой олган. Шулардан бири Абдулла Қыламан.

### МАКСИМ

Бир куни икки бола кўчада ўйнаб юриб бир дона ёнгок топиб олибди. Бири дебди: «Мен биринчи кўрдим, ёнгоқни мен оламан», иккинчиси эса, «Йўқ, ўртоқ, ёнгоқни мен оламан, ердан мен оламан», деб иккиси уруша бошлабди. Шу пайт бир йигит келиб: «Шошман, талашманг, мен сизларга ёнгоқни яхшилаб тақсимлаб бераман», деб ёнгоқни кўдига олиб икки паллага бўлиби. Бир палла пўчогини биринчи болага, иккинчи палла пўчогини иккинчи болага бериб: «Мана, қолгани тақсим қўлган кишига», деб мағзини оғзига солиб жўнаб қолибди. Болалар бўлса, пўчогини ушлаб, бир-бирларига ҳайрон боқиб қолаверишибди.

Хисса: Озга қаноат қымаган кўндап қолур.

Ҳикоят сизга ёқдими? Ёқкан бўлса, бўш қолган вакътларингизда ушбу китобни варақлаб дикъат билан ўқинг. Ўзингизга тегишили хулоса чиқариб олишга ҳаракат қилинг. Ылмим доирангиз кенгайиб, фикрларингиз равон бўлади.

**ГУЛЮЗ тайёрлади.**

## 1. СЎРИДА


(5 қисмли сюита)

Эшигимиз олдида,  
Сўрида,  
Қандай ўйнар эканмиз,  
Кўринг-да!


Сўри-сўри эмас, кўк.  
Кемамиз.

Капитан, матроси йўқ  
Деманги.

Бир яхшилаб жойлашиб  
Олинглар.  
Қани йўлга... чиқди-и-к,  
Хуш қолинглар!



Султон АНВАРОВ мусиқаси,  
У. АБДУАЗИМОВА шеъри.



## Obuna uziliksiz jarayon

Mening onam shifokor. Ammo adabiyotga juda qiziqadi. Uyimizga har kuni non bilan biiga albatta gazeta va jurnal ham olib keladi. Өдамлар Jamilaxon o\*qimishli-da, shirin so\*zi bilan ham odamlarni davolashni uddalaydi, deyishadi.

Onajonim har yili meni "Tong yulduzi" ga bиринчilar qatorida obuna qilib qo\*yadilar. Chunki, "Tong yulduzi" ni o\*zlari ham o\*quchchilik davrlaridan beri qiziqb, sevib o\*qiydilar. Men hamma sinfimiz o\*quchchilarini "Tong yulduzi" ga obuna bo\*lishga chorladim. Ular 2000 yilda yuz foiz o\*z gazetalarini o\*qiydilar.

**Nafisa OCHILOVA,  
Toshkent shahar,  
M.Ulug\*bek tumanidagi 49-  
maktab o\*quchisi.**



K. Чинчилов

Менинг ота-онам кўхна Бухородан. Тақдир тақососи билан биз Тошкентда яшаймиз. Ҳозирги кунда Бухора бобожоним, Гулчеҳра бибижоним холаларим, аммажоним яшашади. Мен сизларга бобожоним ҳақида икки оғиз гапириб бермоқчиман.

Бобом мактабда аъло баҳоларга ўқиган эканлар. Етти йилда ўнинчи синфи битириб, Ҳалқ ҳўжалиги институтига ўқишига кириб, уни ҳам аъло баҳолар билан тутатиб, кўп йиллар вилоятимизда раҳбар лавозимида ишлаганлар. У кишининг олдиларига кўпчилик маслаҳат сўраб келишиади.

Ғиждувонда Умаров, Нарзуллаев каби куолчилар сулоласи ижод қилиб келаятилар. Айтишларича, Ғиждувоннинг тупроғи жуда ҳам яхши экан. Бизнинг шаҳримиздаги куолчиллик заводининг қурилишига бобожоним бош бўлган эканлар. Шу заводда кўп йиллар директор бўлиб ишлаганлар. Менинг онам ҳам шу заводда рассом бўлиб ишлаганлар. Балки, мен ҳам куол бўларман. Бобожонимдек иқтисодчи бўларман. Ким бўлганда ҳам уларга ўхшасам, дейман. Бобом жуда қизиқ латифалар, ривоятилар биладилар.

Бу йил 1 сентябрда 63-муборак Пайғамбар ўшларини нишонладилар. Мен қадрон газетам орқали бобожонимни шу қутлуғ ёшлиари ва мустақиллик байрами билан чин қалбимдан табриклийман.

Доимо тетик ва бақувват, қувноқ бўлиб юришларини жуда-жуда истайман.

**Руслан МИРЗАЕВ,  
Тошкент шаҳар, Мирзо  
Улугбек туманидаги 27-сон  
мактабининг 4-синф ўқувчиси.**



**КИМ НИМАНИ ЯХШИ КУРАДИ?**

Бир кунн ойим ишдан кеч келдилар ва шоша-пиша тухум билан картошка қовура бошладилар. Мен эса қовурилган картошкани сирайм ёқтирамайман.

- Картошкам? - деб сўрадим ойим овқат сұзаёттандариди. - Мен емайман.

- Емасанг, ема,- дедилар ойим хотиржамгина. Лекин билиб қўй, бу одийгина картошка эмас. Бу картошкани ҳалто қироличалар ҳам худди тождек сочига қадашган.

- Қандай қилиб?- сўрадим ажабланни.

- Агар овқатингни еганингда эди, айтиб берардим, дедилар ойим ва овқатини ейишда давом этдилар.

Мен иккиланиб қолдим. Агар овқат емасам, турган гапки, қизик бир воқеанинг эшишидан куруқ қоламан. Чунки ойим қироллар ҳақида бежиз гап бошламадилар. Қизикувчанинг эркатойлигимдан устун чиқди-ю, ликопчадаги овқатни паққос туширдим.

- Бу бошқа гап,- дедилар ойим овқат еб бўлганимиздан кейин. Энди хоҳласант, қироллар қандай қилиб картошкани бошларига кўтаргани ҳақида сўзлаб бераман.

**ҚИРОЛЛАРНИНГ БЕЗАТИ**

Картошканинг асл ватани Жанубий Америкадир. XVI асрда бир адмирал Америкадан Англияга қайтаётib, ўзи билан бирга картошка тугунакларини ола кетади. Уйига келгач, картошка тугунакларини жўякка эктирибди. Картошка униб чиқиб, гуллай бошлаганида адмирал ошпазига ундан овқат тайёрлашни буюрибди. У дентиз орти мамлакатининг тансиқ таоми билан дўстларини сийлаб, уларни ҳайратда қолдирмоқчи эди. Лекин тугунакларни сийи мумкинлини хаёлига ҳам келтирмаган ошпаз картошка баргири ва поясини ёғда қовуриб, таом тайёрлабди. Нордон, бадбўй ва кўриниши хунук бу таом меҳмонларга ёқмабди. Уялиб қолган адмирал ғазабланиб, жўякларда экилган картошкадарни ёқиб юборишни буюрибди. Картошка поялари ёниб бўлгач, хизматкорлар кул орасидан пишган тугунакларни топишади. Кўрда пишган картошканинг мазаси уларга жудаям ёқиб тушади. Шундан сўнг, Англиядаги картошкани севиб истеъмол қила бошлашади. Бора-бора дентиз орти мамлакатидан келтирилган ажойибот картошканинг довруги Францияга етиб келади. XVIII асрда Пармантъе исмли дорихоначи зодагон қирол саройига бир даста картошка гулларини кўтариб келади. Худди юлдузчаларга ўхаш оқ бинафша рангли нозик гулларни кўриб, қирол ва айёнлари ҳайратга тушлашади. Қирол картошка гулини ёқасига қистириб олади. Қиролича эса соchlарига тақади. Шундан сўнг қирол ҳар куни тушликка картошкадан таом тайёрлаш ҳақида буйруқ беради.

Ақдли ва айёр Пармантъе француз деҳқонларини бу янги сабзавотга ўргатиш учун ажойиб ҳийла топади. Экилган картошка пишиб етилганида у жўяк атрофига қуролли соқчиларни қўяди. Тунда эса соқчилар ҳеч кимга билдирилмай, уйларига кетишлари керак эди. Кун бўйи далани қўриқлаётган соқчиларни кўрган деҳқонлар ажабланишади ва бу ерга жуда ноёб ўсимлик экилган бўлса керак, деб ўйлашади. Ва кечаси картошкадарни кавлаб олишади-да, пишириб еб кўришади. Унинг таъми деҳқонларга шунчалик ёқиб қоладики, улар дарров ўзларининг ерларига ҳам картошка эка бошлайдилар. Россияядаги картошкани аввал бошда ёқтиришмаган. Деҳқонлар картошкани «Шайтон олмас» деб аташган ва уни ейиш куфр ҳисобланган. Деҳқонлар картошкани эккандан кўра сургун қилинишини афзал билишган. 1765 йилдан бошлаб маҳсус сепнатининг бўйругига кўра Россияядаги картошка экила бошлаган. XIX аср бошларидагина картошка Ҳурт Осиёга етиб келган.

- Хўш, қалай, картошканинг тарихи ёқдими?- деб сўрадилар ойим.

- Жудаям қизик экан.-дедим. Фақат помидор, қовоқ ва бошқа сабзавотларининг ҳам тарихини бўйим келаянтида...

- Ҳа, ёқмай қолсин,- кулдилар ойим. -Майли, қулоқ сол, сенга кўп сабзавотларининг тарихини айтиб бераман. Сен эса уларни ёзиб олсанг,

**ЧИНОМЛАРНИНГ ЛАЗЗАТЛИ ЙАЛОМИ**

Ер ости бойликларини қўриқловчи митти ўрмон одамлариномлар жудаям ширин томоқ эканлар. Улар ўзлари ёқтиригандар таом учун саҳиийлик билан ҳақ тўлашар, олтин-кумушларни аямас эканлар. Гномлар буҳда пиширилган сабзини яхши қўришар экан. Агар кечқурун ўрмонга бир товоқ буғлаб пиширилган сабзини олиб бориб қўйсанг, ёрталаб идиш тўла олтин топар экансан. Гномлар кечаси сабзини мазза қилиб еб олишар ва лаззатли таом учун ана шундай ҳақ тўлашар экан. Ҳурт Осиёда асрларда кўпгина одамлар сабзи пишириб ўрмонга олиб боришаради. Лекин унинг ўрнига олтин топишганми, йўқми, била олмадим. Ҳар ҳолда тўрт минг йилдан бери одамлар сабзини истеъмол қилишади. Сабзилар фақат сарик, қизил, балки, оқ, пушти, напармон рангли ҳам бўлади. А витаминига энг бой сабзининг номи каротел бўлиб, бўйи ярим қаричча келади. Ҳитой ва Японияда эса бўйи бир метр келадиган сабзилар етиширилади.

- Қойил-е,- дедим ҳайратимни яширолмай. -Ойижон, бўйи бир метр келадиган сабзи роса оғир бўлса керак?-

- Албатта, унинг номи ҳам бўйи бастига яраша -полвон. Энди қулоқ сол, сенга қирқ дардининг даъвоси ҳақида сўзлаб бераман.

**ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШУВ**

**ҚИРҚ ДАРДНИНГ Даъвоси**  
Қадим замонларда одамлар пиёзни ҳар қандай ҳафли ва тасодифий касалликлардан муҳофаза этилувчи сехргар деб этиқод қилишган. Қўхна Юнон, Рим, Миср ҳалқлари пиёзга бўлган ҳурмат-эҳтиромини изҳор этиш учун бўйнига шода қилиб осиб юрганлар.


Қадимги замон олимлари қават-қават пўстлоқ билан қопланган бошни пиёздан эстрономия фанини ўргатишади кўргазмали қурол сифатида фойдаланишган. Уларнинг таълимотига кўра коинот ерни ўраб турувчи бир неча сфера-қобиқлардан иборат эди. Ва улар ошипиёзни кўндалантига кесиб шогирдларига коинотнинг тузилишини кўрсатишган. Темир совет кийган рицарлар кўкракларига тумор пиёз қилиб олишган. Улар кўкрагидаги тумор-пиёзни душманларини маҳв этишига кўмаклашиб, галабага эриширади, деб астойдил ишоншишган. Шу сабабли пиёзнинг номи галаба келтирувчи пиёз деб аталган. Қадимги юнон ва рум аскарлари пиёз одамдаги куч-куватни ошириб, ботирлик ҳиссини ўйғотишга ишонгандар ва ўз аскарларининг овқатига кўн пиёз солиши буюришган.

Қайси даврда бўлмасин, одамлар пиёзнинг шифобахшилиги ҳақида афсоналар тўқишишган. «Қирқ дардга даъво- пиёз» ёки «Пиёзнинг оғуши-ҳар қандай касалнинг тобути» каби матнлар шарқ ҳалқларининг пиёзга бўлган ишончини ифода этади.

Бизнинг давримизга келиб, олимлар «сехргар» пиёзнинг тарийхини очдилар. Матъум бўлишича, пиёзда қатор тажовузкор микроорганизмларга, заҳарли замбуругларга қирон келтирувчи омиллар бер экан. Бу-пиёзнинг фитонидлик хусусияти деб аталади. Барра пиёз иштаха очада, овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради. Соч тўклишидан асрайди.

- Ойижон, мен ҳам овқатимга кўк пиёз солиб ейман, -дедим, пиёзнинг шифобахшилигини ўшиштади.

- Нафақат кўк пиёз, балки ошқўкларининг ҳам фойдаси жуда катта,-дедилар ойим. Ошқўклар ҳам шифобахш, витаминга бойдир. Масалан, укрон, кашнич, петрушка...



Гулноз Тожибоева, еш муҳобир.

**ТОНГ ЮЛДУЗИ****Муассислар:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»  
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

**Бош муҳаррир: Умид АБДУАЗИМОВА**

**ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:**

Йўлдош САИДЖОНОВ, Омон МАТЖОНОВ, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Мукаррама МУРОДОВА, Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ, Музаффар ПИРМАТОВ, Баҳодир ТОҒАЕВ, Равшан ҚАМБАРОВ.

IBM компютерида терилиди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табок

Буюртма — **К-7357**

43.351 нусхада босилди.

Қоғоз бичими — **А-3.**

Босишга топшириш вақти

**19.00**

Топширилди — **18.00**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137

Манзилимиз: 700129,

Тошкент шаҳри,

Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашир кўрсаткичи: № 64563

Телефон:

**144-62-34**

